

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ, АВВАЛО, АЗИЗУ МУКАРРАМА АЁЛЛАРНИ УЛУҒЛАШДАН БОШЛАНАДИ

Тошкент шаҳрида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.



Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, аёлларга самимий меҳри ва ҳурматини изҳор этди.

– Биз ҳар йили бу кунни интиқлик, қалбимизда ажиб илиқлик билан кутамиз. Ушбу шукуҳли айёмда ҳаммамиз бизни дунёга келтирган, оқ сут, меҳр ва тарбия бериб вояга етказган буюк она сиймосига, мўътабар аёл зотиға таъзим қиламиз. Зеро, инсон қадрини улуғлаш, аввало, азизу мукаррама аёлларимизни улуғлашдан бошланади, – деди Президент.

Мамлакатимизда бу мақсад йўлида кўп ишлар қилинмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тен-

ликни қарор топтириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу барча соҳаларда намоеъ. Масалан, сиёсий соҳани олсак, сайлов кодексимизда депутатликка номзодларнинг камида 40 фоизи ёки ҳар 5 нафаридан 2 нафари аёл киши бўлиши зарурлиги белгиланган. Ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 2017 йилдаги 27 фозидан 35 фозигача ошган.

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Сўнгги беш йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баравар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қиз-

лар сони 205 мингдан ошди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёллар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. 400 мингдан кўпи иш билан таъминланди.

Келажак тарбиячилари бўлмиш қизлар камолотиға катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда олийоҳларда таълим олаётган 1 миллион 300 минг нафарга яқин талабанинг ярмидан кўпини қизлар ташкил этмоқда. Эҳтиёжманд оилаларга мансуб хотин-қизлар қўшимча давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилинмоқда. Улар учун имтиёзли таълим кредитлари ажратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг контракт пулини қоплаб бериш йўлга қўйилган.

Юртимиз хотин-қизлари илм-фанда ҳам катта натижаларга эришмоқдалар. Сўнгги етти йилда 5 минг 247 нафар аёллар илмий

даражалар олган. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олган ёшларнинг 47 фоизини қизлар ташкил этган.

– Қанчалик қийин бўлмасин, биз қўшимча имконият топиб, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, хотин-қизларимизнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун шароит яратмоқдамиз ва бу ишларимиз, албатта, давом этади. Чунки аёлларнинг, хусусан, қиз боланинг ўқиб, олий маълумотли бўлиши, касб-хунар эгаллаши оила бахти, фарзандлар камоли, шу асосда бутун жамият раванқи учун хизмат қилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили Давлат дастурида белгиланган, хотин-қизларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини

ривожлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Бу борада Сенат Раиси бошчилигида махсус комиссия тузилиб, хотин-қизларни касб-хунарға ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ишлар мутлақо янгича ёндашувлар ва тизим асосида ташкил қилинади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари, ҳокимликларнинг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосарлари ҳамда фаол аёллар Комиссия билан биргаликда жорий йилда 9 442 та маҳалладаги 580 мингга яқин ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлашга масъул этиб белгиланади.

Умуман, бир ой муддатда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича аллоҳида дастур қабул қилиниб, лойиҳаларни амалга ошириш учун 15 триллион сўм ажратилади. Бундан ташқари, Саудия Арабистони, Қатар, Япония, Жанубий Корея ва Германиядан 100 миллион доллар грант жалб қилинади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари, “маҳалла еттилиги” таркибидаги хотин-қизлар фаоллари аёлларга кўмакчи, оилавий масалаларда яқин сирдоши бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Аёл зоти учун энг улуғи – оналик бахти. Юртимиз аҳолиси ҳар йили қарийб 900 мингга кўпаймоқда. Уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муқаддас бурч.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари барча аёлларга мурожаат қилди.

– Биз маънавий тарбия ишларини энди мутлақо янгича усулда олиб бори-

шимиз керак. “Эзгулик – ширимиз, маърифат – қуролимиз” деган ғоя асосида бу жараёни, аввало, оиладан, маҳалладан бошлашимиз лозим. Зотан, ҳадиси шарифда айтилганидек, “Ота-она ўз фарзандига яхши тарбиядан бошқа мерос қолдиrolмайди”. Муҳта-рама опа-сингилларимиз, дуогуй онахонларимизнинг масъулияти – айнан ана шу масалаларда яққол намоеъ бўлади, – дея таъкидлади Президент.

Мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Жаҳон банкининг кунни кеча эълон қилинган индексида Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида дунёдаги энг тез ривожланаётган 5 та мамлакат қаторида қайд этилди. Жорий йилда юртимиз яна бир йирик анжуман – Осиё хотин-қизлар форумига мезбонлик қилади.

Президентимиз байрам тадбирида қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам самимий кутлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 мартдаги қарорига биноан эса 28 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан, 5 мартдаги фармонга мувофиқ турли соҳаларда фаол бўлган аёллар ордена ва медаллар билан тақдирланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган хотин-қизлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари файзли дастурхон атрофида байрамни нишонлади.

Байрам тантанали концерт дастури билан давом этди.

ЎЗА

ЖАРАЁН

ЮРТ АРСЛОНЛАРИ

Олдимизда турган энг эзгу мақсадлар рўёби — мамлакатимизнинг келажаги, ҳаёти-мизнинг эркин ва фаровонлиги янги авлод, униб-ўсиб келаётган ёшларнинг қандай инсон бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Миромонович Мирзиёев таъбири билан айтганда, бугунги таҳликали шароитда биз барқарорлик ва хавфсизлигимизга зиён етказадиган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга кескин қарши туришимиз лозим. Мамлакатимиз ривожланишидан манфаатдор бўлмаган турли бузғунчи ташқи кучларга асосли жавобларимиз, самарали тадбирларимиз доим шай бўлиши шарт. Халқимиз янада жипслашиши, бир мушт бўлиб уларга қарши туриши керак.

Бугун жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фарзандларимиз ва наби-раларимизнинг ёруғ келажagini таъминлаш учун метин ирода, жипслик ва яқдиллик ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Дарҳақиқат, мамлакат хавфсизлиги онгу қалб му-дофаасидан бошланиши назарда тутилиб, юртимизда маънавий-маърифий ислохотлар янги суръатларда давом этяпти. Бу борадаги ишларни изчил йўлга қўйиш учун илгари тасаввурга ҳам сиғмайдиган даражада катта маблаг ва куч сарфланяпти. Истиқлол-ни, тинчликни асрашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кучли маънавиятга эга халқ билан бирга ҳар-бий-жанговар салоҳияти юқори ва юксак маънавият-ли Қуролли Кучлар ҳам зарур. Асл ватанпарварлик туйғуси, шубҳасиз, соҳа мактаб-лицейларида даст-лабки амалини олади.

(Давоми 5-саҳифада.) ➤

ОҒРИҚЛИ НУҚТА

ХАЛҚ МУЛКИ МУҚАДДАС!

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ўзаро ҳамоҳанг ва уйғун шаклда қўлланилиб, халқимизнинг ягона мақсад сари интилиши-да асосий йўналиш бўлиб хизмат қилимоқда. Дарҳақиқат, мустақил тараққиёт йўлимизни белгилаб олганимиздан бери ўтган вақт мобайнида “Янги Ўзбекистон” тушунчасининг ҳаётиимизга кириб келиши ҳам ўзига хос зару-рат маҳсулидир.

Айни вақтда Ўзбекистон ўтмишда бошланган ишлар-нинг барча жиҳатларини чуқур идрок этиб, тарихий тажри-бага таяниб, ўз тараққиётининг бутунлай янги босқичига дадил қадам қўймоқда, дейишга тўла ҳақлимиз.

Бундай масъулиятли паллада ёш авлод таълим-тар-бияси мамлакат тараққиёти ва фаровонлиги учун ниҳоят-да муҳим ҳисобланади. Маърифатпарвар олим ва адиби-миз Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, бугун том маънода “тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”.

Кейинги йилларда муҳтарам Президентимизнинг та-шаббуси билан таълим тизимининг муҳим босқичи – Мак-табча ва мактаб таълими соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу маса-ла давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши даражасига кўтарилди.

(Давоми 6-саҳифада.) ➤

ЭЪЗОЗ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган бир гуруҳ фидойи аёлларимиз кунни кеча 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунни муносабати билан Президентимиз Фармони-га асосан давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида иждоқор аёлларимизнинг ҳам борлиги бизни қувонтирди.

УМР МАЗМУНИ



Гулистон АННАКИЛИЧЕВА,
“Қорақалпоқ адабиёти” газетаси
бош муҳаррири, шоира,
“Меҳнат шуҳрати” ордени соҳибаси:

– Айни дамда қалбимда ке-чаётган туйғуларни, ҳаяжонни яшира олмайман. Олтимиш йил узлуксиз ҳам журналистика, ҳам давлат ишларида фаолият юри-дим. Шу ёшга кириб, Давлат раҳ-барининг қўлидан шундай улуғ мукофотни олиш... қалбимни тўлқинлантириб юборди. Ахир, бу аёл зотиға бўлган юксак меҳр, эъ-тибор намунаси эмасми?!

Ҳаётим оддий кишлоқ аёлла-риники каби ўтди. Қийинчиликлар, машаққатлар, қувончли лаҳзалар, бахтдан тўлиб-тошган онларимиз бўлди. Кўз ёшлар ҳам... Баъзан ўйлашиб, иккиланиб ҳам қолган-

ман. Бир аёлга рўзгор ташвишиям етиб ортади. Аксарият аёллардек бир оилага бекалик, меҳрибон оналигу қайноналик қилиб ўти-рсам бўлади-ку, деганман. Аммо умр мазмуни ҳаётнинг қайноқ жа-бҳаларида, ўзимдан бирор из қол-диришда деб билганим учунми, оила ва жамиятдаги вазифамни бирдек баҳарлашга интилдим.

Толеим қилиб, бугун шундай юк-сак эътирофга сазовор бўлганим менга янгидан куч, илҳом, ижод-димга парвоз бағишлади. Бунинг учун аввало, Ватанимдан, мени тарбиялаб, камолга етказган она халқимдан, камтарона хизматла-римни қадрлаган Президентимиз-дан миннатдорман.

(Давоми 2-саҳифада.) ➤

ЭХТИРОМ

АЁЛ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Аёл ким, унинг нафосати, жозибаси, гўзаллиги қандай мезон-лар асосида баҳоланади? Бу сифатлар фақат уларнинг ташқи кўриниши билан белгиланадими? Албатта, йўқ. Аёллик таро-вати аввало, унинг маънавияти, ички дунёси, гўзал руҳияти, хулқ-атвори ва ахлоқининг тўқислиги билан ўлчанади. Хўш, шу маънода, ўзбек аёлининг кечаги ва бугунги қиёфаси қай кўри-нишда?

Маълумки, қадимдан Шарқ аёли ўзини тутишидан тортиб, ҳусну жамолию, ақлу камоли билан ўзга халқларни ҳайратга солиб келган. Геродотнинг “Та-рих” асарида тараннум этилган массагетлар маликаси Тумариснинг жасора-ти, Клавихо кундаликларида тилга олинган теурий маликалар шахсиятидаги улуғворлик дунё аҳлини ҳайрат ва ҳаяжонга солган. Улар момоларимизга хос бўлган асплодалик, ахлоқий ва маънавий поклик сирини билишга уринишган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, жаҳонда аёллар орасидан таниқли ҳукмдор-лар, доно маслаҳатгўйлар, фозила, олима, шоиралар ва санъат вакиллари етишиб чиққан. Айниқса, Шарқ мамлакатлари тарихида улар кўпчиликни таш-кил қилади. Теурийлар сулоласига мансуб бўлган Сарой Мулқхоним, Гавҳар-шодбегим, Шодмулк Хотун, Хадичабегим, Хонзодабегим, Гулбаданбегим каби маликаларнинг ибратли ҳаёти бунга яққол далилдир. Хусусан, Сарой Мулқхо-ним ақл-заковат, юксак идрок, дид-фаросат бобида беназир бўлгани боис “Би-бихоним”, яъни “катта хоним” деган эъзозга мушарраф бўлган.

(Давоми 3-саҳифада.) ➤



УМР МАЗМУНИ

Бошланиши 1-саҳифада.



Маъсума АҲМЕДОВА,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, адаби,
"Дўстлик" ордени соҳибаси:

— Халқаро хотин-қизлар куни мен учун қўшалоқ байрам бўлди. Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгаши муҳокамасида "Мангу куй" номли янги қиссам эътироф этилганди. Бугун эса... қалбим қутилмаган қувончга тўлди. Рости, бундай юксак му-



Дилфуза ШАМАЛИКОВА,

"Ғунча" журнали бош муҳаррири,
"Шуҳрат" медали соҳибаси:

— Янги Ўзбекистонда китобхонлик маданиятини, жумладан, болалар китобхонлигини кенг тарғиб этишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Швециялик атоқли болалар ёзувчиси Астрид Линдгрэн: "Эртага дунёнинг қандай бўлиши ҳозир китоб ўқишни ўрганаётган кичкинтойларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам

кофотга муносиб кўришлари ҳаёлимга ҳам келмаганди. Дўстларимнинг табрикларини қабул қилар эканман, улкан рағбатни ҳис этдим. Қалбимда шу-кроналик туйғулар барқ урди. Ёзган асарларимни бирма-бир ёдга олдим. Ғайратим жўшди. Ҳа, рағбат ва эътирофлар биз ижодкорларни юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликка, халқимизнинг яратувчанлик қудратига бағишланган янги асарлар яратишга ундайди.

Адабиётимиз, халқимиз маданияти ривожини йўлида қўлимдан келганча хизмат қилишга тайёрман. Раҳматли турмуш ўртоғим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод ҳақидаги ёдномани ёзиб битириш, янги ҳикоялар қоралаш, жаҳон адабиётидан таржималар қилишни режалаштириб қўйганман. Бу йилги баҳор қувончлари кўнглимга ёғур ният, эзгу мақсад уруғларини сочди ва вақти-соати келиб, улар ўз самарасини беради.

болаларга китоб бериш керак", деганда нақадар ҳақ эди. Сир эмас, бугунги кун болалари компьютер уйинлари, уяли телефонларга кўпроқ қизиқади — буларнинг барчаси, майли, балки бир эрмакдир. Аммо уларнинг беғубор оламини бойитишда китобнинг ўрни бекиёс.

Бола китоб, журналлар билан танҳо қолса, қалбининг туб-тубида ёрқин, унутилмас таассуротлар уйғонади. Болаларнинг беғубор оламини қандай муъжизалар билан бойитиш эса биз катта ёшдагиларга, хусусан, болалар адабиёти ижодкорларига боғлиқ. Шу боис, журналимизнинг ҳар бир сонини нашрга тайёрлаш жараёнида дунёни бола қалби билан идрок этишга уринамиз. Уларни чинакам ватанпарвар, халқпарвар инсонлар бўлиб улғайишини истаймиз. Шу маънода, менга берилган бу юксак мукофотни журналимиз ижодий жамоасининг меҳнатларига ҳам берилган баҳо деб биламан. Бундай юксак эътибор ва ишонч зиммамизга янада улкан масъулият юклайди.

ГҲЗАЛЛИК ВА НАЗОКАТ ТИМСОЛИ



Алишер НАВОЙЙ

Васфрия

*Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,
Бари ҳам сарв қомат, ҳам гуландом:*

*Келиб ҳар қайси бир фазл ичра моҳир,
Маҳорат шеваси ҳар бирда зоҳир.*

*Бири — ашғор баҳри ичра гаввос,
Бири — адвор даври ичра раққос.*

*Бири — мантиқ русумида рақамкаш,
Бири — ҳайъат руқумига қаламкаш.*

*Бирининг шеваси — илми ҳақойиқ,
Балогатда бири айтиб дақойиқ.*

*Бири — тарихда сўз айлаб фасона,
Бири — ҳикмат фани ичра ягона.*

*Ҳисоб ичра бирининг зиҳни бориб,
Муаммода бириси от чиқориб.*

*Бу фанларда булар бир-бирдан аҳсан
Юз ул фанлик аро ҳар қайси ақфан.*

*Дилорому Дилорому Дилосо,
Гуландому Суманбўю Сумансо,*

*Паричеҳру Паризоду Париваши,
Паринайкар — зиҳи ўн исми дилкаши.*

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Куни кеча ўзининг ибратли фаолияти ва эришган ютуқлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларнинг 28 нафари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Бу юксак мукофотга сазовор бўлган қизларимиз илм-фан, адабиёт, санъат, маданият, спорт, ишлаб чиқариш ва бошқа турли соҳаларда муваффақиятга эришиб, Ватанимиз раванга йўлида замонавий билим ва малакаларини, куч-ғайрат ва шижоатини, шунингдек, маънавий-интеллектуал салоҳиятларини намоён этмоқдалар. Ана шундай қалби уйғоқ ёшлар орасида Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани "Қўшчино" газетаси муҳбири Наргиза Юнусова ҳам бор.

— Ҳозир жуда ҳаяжондаман. Очиғи кутма-

ган эдим. Хабарни эшитишим билан онамга кўнгирик қилдим. Онажонингнинг сен эришган ютуқлардан қувониб йиғлаши бошқача бўлар экан. Мен ана шундай қизларини мукофотлайдиган дийрда туғилганимдан faxрланаман. Ўзбек аёлининг нурли тимсоли — Зулфияхонимнинг издоши бўлиш бахтига мушарраф бўлганимдан бениҳоя хурсандман. Мана, тўрт йилдирки, "Қўшчино" газетасида фаолият юритаман. Журналист сифатида халқ орасида юриб, хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар қўламининг кенглигига гувоҳ бўляпман. Мен улғу

шоирамиз номидаги давлат мукофотига муносиб деб топилаганини улкан шараф, зиммамдаги бурч ва масъулият сифатида қабул қиламан, — дейди Наргиза Юнусова.

Ҳа, оилаларимиз ва жамиятимизнинг жон томири бўлган хотин-қизларга эътибор кўсатиш, уларни эъзозлаш азалий қадриятларимиздан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Зеро, Президентимиз айтганларидай, "ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади".

— "Зулфияхоним қизлари" деган гапни эшитиш ва шу қизлар қаторида сенинг номинг ҳам тилга олиниши кўнгилга ифтихор бағишлайди. "Сиз шу мукофотга лойиқ кўрилингиз", дейишганда кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Катта ишлар ҳали олдинда. Бу мукофот мени янада фаол бўлишга илҳомлантириши шубҳасиз. Хўжабоддаги бир маҳалла ёшларининг етакчисиман. Мен бажарган вазифа балки оддий бир ишдир, лекин шуни биламанки, бу мамлакатда меҳнат қилган, албатта, қадр топади. Мени Зулфия номидаги Давлат мукофо-

тига муносиб деб билган барча-барчадан миннатдорман, — деди Андижон вилояти Хўжабод тумани "Гара гури" МФЙ ёшлар етакчиси Ҳусниябону Жонибекова.

Ҳа, мукофот соҳибалари қатъий ҳаётий тамойилга эга, Янги Ўзбекистоннинг ҳар томонлама етуқ авлоди, келажакнинг бунёдкорларидир. Зулфияхоним қизлари давлат раҳбарининг юксак эътирофи туйғули ўз мақсадлари йўлида янада илдамлаши тайин. Биз эса, уларнинг эзгу ниятлари ўзларига йўлдош бўлишини истаймиз.

ТАДБИРКОР АЁЛ



ГУЛМИСИЗ, РАЙҲОНМИСИЗ?..

Бир шоиранинг "Гуллар тирикчилиги учун яшамас, гуллар тирикчилик учун яшайди", деган сатрлари бор. Ҳар гал гул бозоридан ўтганимда шу сатрлар беихтиёр тилимда айланади. Дарҳақиқат, тирикчилик учун бўлса-да, расталарга олиб чиқилган гул, чечакларда дилбар ҳаёт рамзи мужассам. Дарвоқе, гул бозори... Ҳамиша қизгин, ҳамиша харидоргир... Ахир, бирор байрам йўқки, гулсиз ўтса. Гуллар байрамларимизнинг гўзал тимсоли, кўнгиладан кўнгилга етиб борувчи энг рангинг армуғонимиздир.

Саодатхон ая Усмонованинг юрагини яшнатган ҳам, уни элу юртга танитган ҳам гул. Гуллар аяга бахт, омад ва шуҳрат келтирди, давлатманд қилди. Суҳбатимиз чоғида у 2023 йилдаги даромадини 5 миллиард 800 миллион сўм, деб айтди. Бу ҳазилакам кўрсаткич эмас. Ишониб-ишонмай қайта сўрадим.

— Гул экиб, гул сота бошлаганимга қирқ йилдан ошди, қизим, — дея гап бошлади Саодатхон ая. — Эшитганингиз чин. Бу йилги даромадимиз мен сизга айтган суммани кўрсатди. Фаолиятимни 1999 йилдан бошлаганман. 2006 йилда биринчи бор иссиқхона қурдириб, гул кўчатлари қададим. "Наманган гуллари" МЧЖ-ни очдим. 2014 йилда вилоят ҳоки-

ми бир гектар ер ажратиб берди. Шу ернинг 50 сотихига иссиқхона қуриб, мавсумий гулларнинг кўчатларидан экдик. Ишимиз ривожланди. Мен яхши кўрган гуллар мўмай даромад келтира бошладим. 2017 йилда менга берилган жойда боғ барпо этиладиган бўлди. Ҳокимият олса, ўрнига ер беришармикин, деб ўйлагандим. Йўқ, бошқа жойдан яна бир гектар қўшиб беришди. Барака топишсин, тупроғи жуда унумдор экан. Гулларимни қўшни республикаларга ҳам экспорт қила бошладим. Бу икки гектардан ташқари, аэропорт ҳудудида ҳам 50 сотих ерга ҳар хил турдаги мавсумий гуллар экканмиз.

Саодатхон ая Усмонова Наманган вилояти Давлатобод туманида

яшайди. Уч ўғил, бир қизнинг онаси, 9 нафар набиранинг меҳрибон бувижониси. У фарзандларини гулдай, гулларини эса фарзандидай яхши кўради. "Ишонасизми, йўқми, мен ўзимнинг гулларимни боламин танигандай танийман. Бўлмаса қанчадан-қанча гулчилар бор. Бир мен эмас гул экаётган. Нимагадир шундай. Қаерда гул кўрсам, кўзимга иссиқ кўринса, суриштираман. Билсам, ўзимга тегишли бўлиб чиқади. Ҳатто, ҳар бир гулимнинг характери-гача биламан", дейди.

Бугун республикамизда "Наманган гуллари" кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларида ҳам унинг гуллари сотилмоқда.

Биргина "Кермия" навли гулнинг уруғидан икки ярим миллион донга экиб, ҳосил қутаётган онахонни алқамай бўладими. У эккан гул уруғлари унмади деганда 60-70 фоизга кўккайди.

Саодатхон Усмонова ўттиздан зиёд аёлни доимий иш билан таъминлади. Йигирма икки нафар шо-

гирд тайёрлади. Бундан ташқари, иш кўпайган вақтда элликка яқин мавсумий ишчи ёллайди. Бу дегани — юзлаб одамларнинг рўзгорига барака олиб киришда унинг ҳиссаси бор.

Аёл боши билан катта ишларга қўл урган Саодатхон ая гулга ҳава-си ортидан ўзи кўришни орзу қилган мамлакатларга сафарларга чиқди. 2018 йилда Ватанимиз ободлиги ва юрт фаровонлиги йўлидаги хизматлари учун "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Бу эъзозга, бу эътирофга нозик чечакларга қўйган меҳри туйғули сазовор бўлди. Жанубий Корея сафари ниҳоясида бир жомадон гулни Ватанга олиб келиш учун туни билан илди-з ювганини айтганида аянинг гулга меҳри чуқур муҳаббатга айланганини ҳис этдим.

Хуллас, гулчи онахоннинг эзгу ишлари гулзоридидаги гуллари сонича беадоқ. Байрамли кунларимиз эса "Наманган гуллари"нинг ифори билан тўлсин!

Муҳайё РУСТАМ
қизи



АЁЛ ЖАСОРАТИ

МАТОНАТ МАЛИКАЛАРИ

Бу аёллар тақдир турткисини туҳфа деб билдилар. Уларнинг ҳаётига назар солсангиз, тақдирнинг оғир синовларига мардона бардош бериб, чинакам мўъжизалар яратган метиндай мустаҳкам иродали, некин ва оқила аёл сиймоси кўз ўнгингизда намоён бўлади. Беихтиёр ўзингизнинг арзimas қийинчиликлардан норизо бўлиб, умидсизликка берилган кезларингиз ёдингизга тушиб, шунчалар нодон бўлганингиздан уялиб кетасиз...

ҚАМАШИЛИК ҚАЙСАР ҚИЗ



— Мен ёшлигимдан жуда қайсар эдим. Ҳеч кимнинг қўлига қараб қолгим келмасди. Ўқимокчи бўлганимда отам рухсат бермади. Барибир фикримда қатъий туриб, Тошкентга келдим, — дейди Қамаш туманидаги "Дилфуза" ўқув маркази раҳбари, "Жасорат" медали соҳибаси Дилфуза Бўронова. — Ижарада яшаб, "Машхура" ўқув марказида чеварликка ўқидим. Ўқув маркази раҳбари Машхура Юсупова менга кўп яхшиликлар қилди. Тез орада тикувчилик сирларини ўзлаштирдим. Ич-ичимдан имконияти чекланган инсонлар ҳақида қайғулар эдим. "Мен-ку йўлимни топдим, лекин улар нима қилади", деган ўй тинчлик бермасди. Икки йилдан сўнг ўзим тузилган Қамаш туманига қайтиб, ўқув маркази очдим. Икки йилда уч юз нафар ногиронлиги бор аёлларга тикувчиликдан сабоқ бердим. Меҳнатларим юзага чиқди. Эътиборга тушдим.

Дилфуза Бўронова ўзига-ўзи иш топиб олаверадиганлар хилидан. Тиниб-тинчимади. Қамашда қўли гул чевар сифатида ном қозонган. Тумандаги кўплаб ташкилотлар, касалхоналарга кўрпа-тўшак, ёстиқ ва иш кийимлари тикиб беради. У давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларга ҳар томонлама имкониятлар яратиш бераётганидан фойдаланиб, иш қўламини кенгайтирди — уйда хусусий боғча ҳам очди. Ҳозир бу ерда 25 нафар болани тарбиялапти. Холисона айтганда, савоб илмининг шу ишга қўл урган эди. Шу мақсадда боғча тўловини бошқаларга нисбатан 30-40 минг сўм арзонлаштириб қўйди, маҳалладошларига қайтишди.

Аспиди, Дилфуза опанинг 2007 йили 2 миллион сўм кредит олиб, тадбиркорликка қўл урганининг ўзи катта жасорат эди. Чунки қарзни тўлаш учун чумолидай тиним билмай ҳаракат қилди, буюртмаларни эз вақтида бажариш учун тунларни тонгга улади. Ҳафтасига икки юз, уч юз таллаб кўрпа-тўшак тикди. Хўп, тадбиркорлик қилган бўлса қилибди-да, дерсиз. Лекин гап бошқа ёқда.

Қамашнинг қайсари Дилфуза Бўронова оддийгина, тўққиз фарзандли оилада олти ўғилдан кейин дунёга келган. Ҳамширанинг эмалаш жараёнидаги эҳтиётсизлиги сабаб ўнг оёғи ишламай қолганида у саккиз ёшли қизалоқ эди. Ота-онаси ўн йиллаб даволатишди. Афсуски, оёғи тузалмади,

ҳассаса таянди, бироқ ногиронлики тан олмади. Отаси бошқаларнинг "сен ногиронсан" деб боласининг юзига солиши ва қизининг кўнгли вайрон бўлишини истамай, уни мактабга юбормади. Шу боис пойтахтга ўқишга борганида у на ҳарф танирди, на сонни сонга қўша оларди. Ўқув марказидагилар унга алоҳида эътибор қаратиб, дарсларни, либос бичимларни яхши ўзлаштириб олиши учун қайта-қайта тушутиришди, қизнинг интилишини қадрлашди.

Дилфуза опа Қамаш тумани пенсия жамғармаси раҳбари бўлиб ишлаб, айна пайтда, ўзи бунёд этган "Саховат" уйини бошқараётган Саодат Ҳамидовадан ҳам бир умр миннатдор эканлигини айтади. Шу меҳрибон аёлнинг эътибори ва далдаси, кўрсатган йўл-йўриқлари ҳаётда ўз ўрнини топишида кўмак берганини эътироф этди. Саодат опа унинг ўз жуфтини топишига ҳам сабабчи бўлди. Тўйини ҳам ўзи ўтказиб берди. Дилфуза опа турмуш ўртоғи, иккинчи гуруҳ ногирони Камол Довулов билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Айна пайтда фарзандлари Умиджон 13 ёшга тўлди.

— Биз ногирон эмасмиз, — дейди Дилфуза опа. — Араваимизни ўзимиз тортолмиз. Баъзан соппа-соғларнинг давлат кўмагидан умидвор бўлиб, нолишларини эшитсам, тавба дейман. Мен 44 йилдан бери кўлтикта-ёқдаман. Шу кўлтиктаёқки қўлаётган экан, демак, имконим бор, имкониятим чекланмаган.

Дилфуза Бўронова Қамаш туманидаги Бердоли қишлоғида гулдай умр кечиряпти. 2019 йили туман ҳокимлиги ижарада яшаган уйини унинг номига хусусийлаштириб берди. Ўшагача ижарада яшаб асло қиналдим, демади. Бирон-бир ташвишингиз борми, деган саволимга Дилфуза опа шундай жавоб берди: — Қўшни маҳаллада Саида ва Сайёра исмли опа-сингил яшайди. Ота-онаси дунёдан ўтиб кетишган. Акаси шаҳарга кўчиб кетган, дейишади. Иккаласининг ҳам оёқ-қўли ишламайди. Маҳалладан қаровчи ажратилган. Ҳафта-ўн кунда уларни кўргани бориб тураман. Бояқшларнинг юриш туғул, ўтиришга ҳам қўрби келмайди. Лекин иккаласи ҳам доим қулиб туради. Ҳаётдан нолимайди. Уларнинг кўнглини кўтаришга уринаман, лекин аҳволини кўриб, ичимдан эзиламан...

Назаримда, Дилфуза Бўронованинг бу гапи орқали унинг эътирати ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

СУРХОННИ ЗАБТ ЭТГАН ФАРҒОНА КЕЛИНИ

Ҳалима Қорабоева Олтиариқ туманидаги "Тинчлик" шаҳарчасида туғилган. У тўққиз ёшида қутулмагандан поезд тағида қолиб, икки оёғидан ажралган. Бахтга қарши, кесилган суяк қайтиб ўсиб, яна мураккаб жарроҳлик амалиётини бошидан кечирибга мажбур бўлган. Хуллас, узоқ вақт касалхонадан чиқмаган...

Меҳр-оқибатда беназир ота-она-

си, акалари Ҳалимининг ҳаётга қайтишида тиргак бўлдилар. Уни еру кўкка ишонмай вояга етказишди. Икки километр узоқдаги мактабга навбатманавбат елкасида опичлаб олиб бориб ўқитишди. У мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент давлат иқтисодийёт университетида таҳсил олди. Олий ўқув юртида ҳам энг яхши талаба бўлди. Сунъий оёқларда университетга қатнади. Олий маълумотли бўлган, отаси олиб берган машинада ишга қатнаб, сидқидилдан меҳнат қилди.

Тақдир экан, бир гал протезини алмаштириш мақсадида Тошкентга келганида сурхондарёлик Қўлмат исмли йигит билан танишиб қолди. Бу танишув тез орада муҳаббатга айланиб, Ҳалимажан Денов туманидаги "Остона" маҳалласига келин бўлиб тушди.

— Қайнотам меҳрибон инсон эди. Бир ой ўтар-ўтмас, мени касб-хунар коллежига ишга жойлаб қўйди. Қайнонам, қайнопарим, овсинларим ёрдамини аямади, — дейди Ҳалима опа.

Фақат бугина эмас. Ҳалима опа онасидан ўрганган хунарини ҳам давом эттирди. 25 йилдан бери тикувчилик қилиб келмоқда. Бахтсиз тасодиф туфайли бир қўл, бир оёғидан айрилган Қўлмат ака билан қарийб қирқ йилдан буён бир-бирига тиргак бўлиб яшаб, икки қиз, бир ўғилни вояга етказишди. Уларни олий ўқув юртиларида ўқитиб, уйли-жоили қилишди. Каттагина ҳовлида экин экиб, қорамол боқишади. Муҳими, айрим тўрт мучаси соғлардан кўра яхши яшашмоқда.



Биринчи гуруҳ ногирони Ҳалима Қорабоева ён-атрофдаги қизларга чеварлиқни ўргатиб, юзлаб шогирдлар тайёрлади. Замон билан ҳамнафас яшади, қандай либос урфга кирса, ўрганди, тикди. Ҳозир Денова унинг бармоқлари теккан кийим, парда ёки дастурхон кирмаган хонадон йўқ, десаям бўлади. Опа ҳеч қачон ногиронман деб ўқсинмади, зорланмади. Доимо ҳаётдан завқланиб яшади. Умирининг бирор кунини бекор ўтказмади.

Ҳалима опа яқинда олтимиш бирга тўлди. Ҳозир фарзандлари, келин-куёвлари, бир этак набираларининг иззат-икромиди. Лекин ҳамон қўлидан игна-ип тушмайди. Турмуш ўртоғи билан муборак Ҳаж зиёратига бориш орзуси билан яшаяпти. Уларнинг бу эзгу нияти ҳам ушалишига ишонамиз.

Мен ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида ўнлаб аёллар билан суҳбатладим. Шу аснода машхур француз адаби Оноре де Бальзак айтганидек, инсон иродаси унинг истеъдодидан қадрлироқ эканига амин бўлдим. Зеро, одам айнан пўлатдек мустаҳкам иродаси туфайли турли қийинчиликлар, тушқунлик ва умидсизлик чангалидан халос бўлиши мумкин. Қажрамонларимиз ана шундай матонатли аёллардир. Уларнинг машаққат ва имтиҳонлар силсиласида кечаётган шарафли ҳаёти ҳар биримиз учун ибрат бўлауликдир.

Насиб эмса, бу маърузадаги суҳбатларимизни ҳали давом эттирамиз.

Муҳайё ПИРНАФАСОВА

НОЛИГАНГА НОН ТОПИЛМАС



Каромат Пармонова Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Тўғолон қишлоғида яшайди. Тақдир тақозоси билан қўл-оёқларида нуқсон билан туғилган, биринчи гуруҳ ногирони.

Шунга қарамай, у имтиёзли кредит асосида Зиёвуддин қўғонидан янги хонадон сотиб олди. Ҳокимият вакиллари "уй муборак"ка битта тикув машинаси совға қилишди. Рўзгоридан орттириб, уйнинг кредитини тўлашнинг ўзи бўлмайди. Яхшиям, Кароматхоннинг қўлида хунари бор экан, сўзана ва миллий кўғирчоқлар тикишга қаришди.

Каштали маҳсулотлар нисбатан қимматроқ сотилса-да, уларни тайёрлаш учун анча вақт ва меҳнат талаб этилади. Ҳатто, бир сўзанани уч йил деганда тикиб битказди. Нима бўлганда ҳам бу хунари унга яхшигина даромад келтирди. Зеро, Кароматхон сўзана тикканда очилади, дили яйрайди. У миллий кўғирчоқлар тикишни ҳам йўлга қўйди. Тумандаги мактаб ва боғчалар унинг асосий буюртмачиларига айланди. Айна пайтда у аъёнавий хунармандчилик кўргазмаларида ўзи тиккан кашта, қуроқ ва кўғирчоқлари билан мунтазам иштирок этапти.

— Онам мактабда меҳнат фанидан дарс беради, — дейди у. — Қўл ишини онамдан ўрганганман. Отам дунёдан ўтган, оилада беш фарзанд эдик. Онамга ёрдам бергим келгани учун ҳам хунари бўлишга жидду жаҳд билан киришган бўлсам керак. Бир ойда йўқ деганда 20-30 та кўғирчоқ тикаман.

Дарвоқе, Каромат дўст-ёрлари, қариндош-уруғларига чиройли сумкачалар ҳам тикиб беради. Йигирмага яқин шогирди бор. Турмуш ўртоғи Алишер Бобоноров билан ҳар доим ҳамфикр. Тамани ёқтирмайди, боқимандаликдан ор қилади. "Одам жисмоний заифликдан эмас, қалб ожизлигидан уялиши керак", дейди ва ўзи ҳам шунга амал қилади.

Каромат Пармонова айна пайтда Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг Пахтачи тумани бўлинимасини ҳам бошқариб келмоқда.



АЁЛ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Бошланиши 1-саҳифада.

У ўз даврида қудратли салтанатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этадиган, салтанат ишларида буюк соҳибқирон бобомизнинг доно маслаҳатгўйи бўлган бағрикенг, донишманд ва оқила аёл сифатида ном қозонган.

Амир Темури саройида жорий қилинган тартибга кўра, чет эллик элчиларни қабул қилиш чоғида ҳукмдорнинг хотинлари ҳам қатнашганлар. Испаниялик машхур тарихчи Гонсалес де Клавихо ҳам ана шундай тантанали маросимда Амир Темурининг ёнида Сарой Мулкхоним бошлиқ аёллар ҳам иштирок этгани ҳақида ёзиб қолдирган.

Қадимдан халқимизда аёллар ор-номус тимсоли саналган. Ҳеч ким ўз онаси, аёли ёки синглисини оғиз тўлдириб мактамаган. Эҳтимол, Алишер Навоий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Махмуд Замахшарий каби улуг мутафаккирларнинг оналари ҳақида бизгача жуда кам маълумот етиб келганининг боиси ҳам шундадир.

Аммо уларнинг волидалари юксак фазилатлар ва илму одоб соҳибаси бўлишганига шак-шубҳа йўқ. Акс ҳолда, халқимиз орасидан бу каби даҳолар етишиб чиқмасди. Алишер Навоийнинг "Насоий ул-муҳаббат" асарида юксак камолот соҳиблари орасида бир қанча аёлларнинг номлари ҳам тилга олинган. Хуллас, биз ўзбек аёлларининг ички ва ташқи қиёфасини уларнинг миллат тарбияси йўлидаги буюк хизматлари орқали яхши таниймиз. Бу ҳақда ўйлаганимизда кўз ўнгимизда ўз-ўзидан англаган, Ҳақни таниган, ғурурли, жасур, ақл-заковатда тенгсиз зукко Аёл сиймоси намоён бўлади.

Аёл — миллат тарбиячиси. Қайси ижодкорнинг болалик хотиралари ёхуд таржамани ҳолини варақламайлик, албатта, вақтида онасининг эртақлар ўқиб бергани, халқ кўшиқларини мароқ билан хиройи қилгани, Алишер Навоий ва Машрабнинг ғазалларини ёддан билганига гувоҳ бўламиз. Зотан, жисмонан, маънан, руҳан етуқ фарзандлар тарбиялаш — аёлнинг энг улкан, олижаноб вазифаси ҳисобланади.

Аждодларимиз ҳеч бир замонда саводсиз, оми бўлишмаган. Бироқ соhib Иттифок даврида ўзбек аёлнинг қоқлиғи, унинг оила ишига ўралашиб қолгани, жамиятдаги муаммоларга ақли етмаслиги, замонавий илмлардан беҳабарлиги ёки оилада ҳуқуқсизлиги ҳақида асоссиз бонг урилди. Шу баҳона билан аёлларни "очиққа чиқариш"га зўр берилди. Бироқ шўролар нозик жинс вакиллари

ни ўқитиш, завод, фабрикаларга ишга жойлаштириш орқали уларни оғир меҳнатга жалб қилишни кўзлаган эди. Оқибатда аёллар азондан кечгача далада тиним билмай ишлайдиган, қорхоналарда бели букчайиб оғир юмушларни бажарадиган ишчи кучига айлантирилди. Шу мақсадда трактор ва машина рулига ўтирган, қорамойга беланиб меҳнат қилган хотин-қизлар қаҳрамон даражасига олиб чиқилди. Ўша даврларда туғуқ таътили атиги қирқ кундан иборат бўлган, шўрлик аёллар бешикдаги боласи билан пахта даласида тер тўкишга маж-

бур этилган, минглаб норасида гўдаклар пахтазорларда вояга етгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Собик тузумга кўпроқ "қора ишчи"лар керак эди. Шу боис аёллар кўпроқ бағрикенг, донишманд ва оқила аёл сифатида ном қозонган. Бунинг оқибатида қанчадан-қанча аёллар ва норасида гўдаклар нобуд бўлган, руҳан ва жисмонан мажруҳ бўлиб қолгани ҳам бор гап.

Яхшики, ўша аянчли кунлар аллақачон ўтмишга айланди. Бугун жамиятда аёлга, онага муносабат, эътибор бутунлай ўзгарди. Лекин ҳали бу борада ҳам айрим муаммолар сақланиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Баъзи аёлларнинг ўз ўрнини, қадрини, вазифасини билмаслиги ортидан оилада мувозанат бузилиши кузатилмоқда. Аксарият ҳолларда, аёл оилада барча масъулиятни ўз зиммасига олаяпти. Эрининг масъулиятсизлиги, танбаллиги оқибатида фарзандларини боқиш, уй-жоили қилиш тараддуида чет элларга ишлашга кетаётган оналар ҳам талайгина. Аёл нафақат ўз ҳуқуқини, балки қадр-қимматини, зиммасидаги вазифасини ҳам билиши зарур. У биринчи навбатда миллатнинг келажаги учун масъулдир. Бу вазифа — аёл учун камситиш эмас, балки шарафдир.

Халқимизда: "Қўш уясида кўрганини қилади", деган нақл бор. Бола нафақат оиласида кўрганидан, балки томирида оқаётган қони ва ирсиятидан ҳам "тарбия олади", шахс сифатида шаклланади. Бугун бутун дунёда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи борасида турли баҳс-мунозаралар давом этмоқда. Уларнинг таълим олиши ва бошқа ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида қайғуриляпти. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, аёлни тарбиялаш, унинг макоми ва ҳурматиини жойига қўйиш ва зарур шароитлар яратиш бериш орқали миллатни тарбиялаш мумкин. Атоқли маърифатпарвар Абдурауф Фитрат "Оила" китобида: "Дунёвий ишларни бажаришда эркак ва аёл ўртасида умуман фарқ бўлмайди. Ва агарда она соғлиқни сақлаш ва болалар тарбиясидан огоҳ бўлмаса, бу қоидаларни бажара олмайди. Бу жоҳиллик ва нодонликнинг натижасида мамлакатимиз болаларининг ярмидан кўпроғи нобуд бўладилар, қолганлари эса ахлоқи ёмон ва ишқўс бўладилар", дея таъкидлагани бежиз эмас...

Чиндан ҳам, бизнинг моомаларимиз улуг аёллар эди. Хўш, бугунги аёлларимизнинг маънавий қиёфаси қандай? Наҳотки, ҳашамга ўчлик, гап-гаштак, тўй-тантаналар, сарпо-суруқ йиғиш пойғиси улар ҳаётининг мазмунига айланиб қолган бўлса? Ёки боласининг тарбияси билан шуғулланиш ўрнига эртаю кеч ижтимоий тармоқлардан бўшамайдиган, ўзига оро беришдан чарчамайдиган аёллар билан мактанамизми?

Хуллас, ўйлантирадиган саволлар бисёр. Нима бўлганда ҳам, барча хотин-қизлар бепул таълим билан қамраб олинган, давлат ва жамият уларга жуда катта умид ва ишонч билан қараётган ҳозирги даврда ҳар бир аёлнинг маънавий қиёфаси тўқис ва мукамал бўлиши керак.

Муассар ИБРОҲИМОВА

ХУШҲАБАР



Нодирбек Абдусатторов мuddатидан аввал Прага турнири фoлиблигига эришди

Чехия пойтахти Прагада ўтказилган "Prague International Chess Festival" турнирининг якунланишига бир тур қолганда ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов фoлибликка эришди.

Мусобақанинг 8-турида турнирдаги асосий тақибчиси эронлик Парҳам Масудлуни мағлуб этган Абдусатторов 6 очкога эга бўлган ҳолда "Мастерс" гуруҳида иштирок этаётган 8 нафар шахматчининг биронтасига даъвогарлик имкониятини қолдирмади.

Прага мусобақасида қатнашаётган шахматчилардан Таи Даи Ван

Нгуен, Парҳам Масудлу ва Рамешбабу Прагнанандхаа 4,5 очко билан 2 ва 3-ўринларни эгаллаш учун кураш олиб боради. Шунингдек, Абдусатторовдан кейинги поғоналардан жой олишга 4 очколи Давид Наварра, Ричард Раппорт ҳамда Доммаражу Гукеш ҳам яқин келиб турибди.

Олтинчи бор ўтаётган мазкур турнирнинг фoлиблигини нақд қилган Нодирбек Абдусатторов 9-турда қора доналарда Ричард Раппорт билан куч синашади. Мазкур ўйин ҳамюртимизнинг Прага мусобақасидаги натижасига таъсир кўрсатмаса-да, халқаро

рейтингдаги ўрни учун муҳим баҳс ҳисобланади.

Айтиш лозим, Абдусатторов поёнига етиб бораётган "Prague International Chess Festival" мусобақасининг олтинчи фoлиби бўлди.

Бундан ташқари, Прага турниридаги муваффақият истеъдодли шахматчимизни Халқаро шахмат федерациясидаги ўрни янада яхшиланшига, норасмий шахмат рейтингига эса амалдаги жаҳон чемпиони Дин Лижени орда қолдирди ва 2765,5 рейтинг билан 4-ўринга жойлашди.

Т.РЎЗИЕВ,
ЎЗА



СУРУР

ЭЛ КЎНГЛИНИ КЎТАРГАН КЎПРИК

Яқинда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Амударё устида барпо этилган замонавий, муҳташам кўприкнинг очилиши ана шу армонларнинг рўёби сифатида юртимиз тараққиёти зарварақларига олтин ҳарфлар билан ёзиладиган тарихий воқеа бўлди.

Азалдан бир эл, бир халқ бўлган Оролбўйи одамларини асов Амударё доимо иккига ажратиб турган. Бироқ не-не ҳукмдорлар, не-не салтанат соҳиблари ҳам икки қирғоқни бирлаштиришнинг уddасидан чиқолмаганлар. Шу боис ўзаро борди-келди, савдо-сотиқ қилишда мушкулотлар бисёр эди. Одамлар гоҳ сол ва қайиқларда икки қирғоқ аро сузиб ўтишган. Кўпинча пишиқирган асов тўлқинлар, гоҳида воҳода “санг”, “дегиш” деб аталмиш муз ёрилишлари қийинчилик ва азиятлар келтириб чиқараверган. Омонатгина қурилган понтон кўприклар ҳам эл қорига ярамай қолган дамлар кўп бўлган.

Тантанали маросимда Президентимиз мазкур кўприк қурилишининг аҳамияти ҳақида гапирар экан, дарёдан ўтиш халқимиз учун қанча қийинчиликлар турдирганини қайд этиб: “Буни паромда бир марта дарёдан ўтиб кўрган одам ҳис қилади”, деб таъкидлади. Давлат раҳбари бу билан Хоразм ва Қорақалпоғистон ахлининг кўп йиллик ташвишини аниқ-тиниқ ифодаб берди.

Чиндан ҳам, элдошларимиз бу муаммоларнинг барҳам топишини узоқ вақт интизорлик билан кутишган эди. Мана, нихоят уларнинг асрий оرزуси ушалди! Амударё туманида қисқа муддатларда қуриб битказилган муҳташам кўприк Янги Ўзбекистон раҳбарининг меҳнаткаш халқимизга кўклам туҳфаси бўлди, десак, асло муболага бўлмайди. Шу сатрларни битарканман, кўприк орузида яшаган элдошларимнинг фожиали, изтиробга тўла кечими ёдимга тушди...

Биз ўсиб-ўлғайган қишлоқ билан Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл шаҳрини даливаш даре ажратиб туради. Болалигимизда томга чиқиб, нариги соҳилдаги шаҳарнинг гажум ҳаётини ҳавас-ла томоша қилиб ўтирар эдик. Бу шаҳарда асарият қишлоқдошларимизнинг қариндош-уруғлари истиқомат қилишарди. Тўй-маъракада борди-келди қилишнинг турган-битгани заҳмат эди.

Ўшанда 7-синфда ўқирдик. Қиш чилласининг қақшатқич аёзиде Сайёра исмли мактабдошимизнинг ота-онаси, укалари дарёга чўкиб кетгани ҳақида шумхабар тарқалди. Маълум бўлишича, улар Тўртқўлдаги қариндошлариникига тўйга отланишган. Кўприк йўқлиги сабабли, музлаган Амударёдан машинада

ўтишга қарор қилишган. Бироқ дарёнинг ўртасига борганида муз ёрилиб, уларнинг барчаси сувга ғарқ бўлишган...

Бундай қайғули фожиа ва купфатлар ҳар йили такрор-такрор содир бўлиб турарди. Чунки одамгарчиликни дастуриламал билган қишлоқдошларимиз нариги соҳилдаги яқинларининг тўй-маъракаларига бориш учун ҳаётини гаровга қўйиб муз қоплаган дарёдан ўтишга уринарди.



Келин олиб келаётган каттакон автобусни дарё ўз қомига тортиб кетгани ҳақидаги хабар бизнинг бола қалбимизни ларзага солгани, ваҳима гирдобиде узоқ вақт орузида яшаган элдошларимиз бетламай юргани ҳамон эсимда. Ўшанда улкан шўролар давлатининг ихчамгина битта кўприк қуришга қудрати етмаслигидан ўқиниб қўярдик.

Яқин йилларга Хоразм вилояти билан Қорақалпоғистон Республикасини фақатгина “Тўй-маърака” сув омбори ва Тахиятош ГРЭСига қурилган тўғон боғлаб турарди. Уларнинг иккови ҳам марказдан анча олисда бўлиб, у ерғача юзлаб чакирим йўл босишга тўғри келарди. Тўғри, кейинги вақтларда Хоразм вилоятининг Урганч ва Хонқа туманлари ҳамда Қорақалпоғистоннинг Қилчўқ овулида понтон кўприклар қурилиб, аҳолига хизмат қила бошлади. Бироқ омонатгина барпо этилган бундай кўприклар қишда улкан муз бўлақларининг келиб урилиши ёки ёзда кўтурган асов тўлқинлар боис ўтиб бўлмайдиган даражада расвои чиқиб қоларди.

Эндиликда Амударё туманида барпо этилган ушбу азамат кўприк баҳосиз вақт ва энергиянинг тежалишига омил бўлиши шубҳасиз. Мискиндан кириб келган поезд орта қайтиб ўтирмасдан Урганч-Шовот-Амударё орқали магистрал линияга уланади. Бу, албатта халқро йўналишда юк ва йўловчи ташиш учун ҳам катта қулайликлар яратди. Янги кўприк нафақат савдо-иқтисодий, транспорт, темир йўл, балки илмий-маърифий, маданий-маънавий соҳадаги ишларни ривожлантиришда, бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам улкан аҳамиятга эга.

– Янги кўприкнинг очилишини кўриб, қувончдан ўн ёшга яшаргандек бўлдим, – дейди халқ таъ-

– 1995 йилнинг декабрь ойида илмий изланишлар олиб бораётган Нукус давлат университетида имтиҳон топшириш учун эрталаб йўлга чиқдим, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори Сайёра Самандар. – Дарёга келиб, не кўз билан кўрайки, понтон кўприк музлагани учун ёпиб қўйилган экан. Дарёни паромда кечиб ўтишдан бўлак чорам йўқ эди. Уйда икки нафар жажжи фарзандим қолган, шунинг учун имтиҳон топшириб, кечгача орта қайтишим керак. Бир амаллаб шаҳарга етиб борсам, синовлар аллақачон тугаб бўлган экан. Домлалар аҳолимини тушуниб, мендан алоҳида имтиҳон олишди. Яна ўша паромда дарёдан

ларнинг Нукус ёки Урганчга қатнаб олий ўқув юртларида таълим олишлари учун қулай шароит вужудга келди. Энди улар учун йўл азоби деган тушунча бегона.

Маълумки, юртимизда сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш учун кенг шарт-шароит бор. Ушбу имкондан фойдаланиб тарихий қадимжоларга саёҳат қилиш учун Урганчдан Термиз, водий вилоятлари, Самарқанд, Бухоро ҳамда халқро туризмни такомиллаштириш мақсадида Санкт-Петербург, Мадрид, Франкфурт, Пекин ва Урумчига авиақатновлар йўлга қўйилди.

Сайёҳларга бир йил давомида чекловсиз Хоразм вилоятига кириш учун “Ўзбекистон – менинг иккинчи уйим” виза тизими жорий қилинади. Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тушуми 3 йил давомида Хоразмнинг ўзида қолдирилади.

Албатта, бундай катта имтиёз ва шароитлар борасидаги янгиликларни халқимиз чексиз мамнуният билан қабул қилди. Айниқса, воҳаликлар учун Урганч шаҳрида “Лазги” ва “Авесто” музейларини ташкил қилиш таклифни ҳам вилоятимиз аҳли катта мамнуният билан кутиб олди.

– Мен умр бўйи “Авесто” музейига экспонатлар тўплаб келаман. Аммо музейимиз зах ва қоронғи ертўлада – томошагоҳнинг остида жойлашгани боис ноёб экспонатларни талаб даражасида сақлаш катта муаммага айланган эди. Неча йилдан буён Урганчда тўлиқ шароитга эга музей ташкил қилинишини оруз қилардим. Президентимизнинг янги бино қурилиши ҳақидаги ташаббусини эшитиб кўзларимга ёш келди. Барпо этилажақ янги музей, албатта, миллиатимизга, юртимиз тарихига ҳурмат рамзи бўлиб қолади, – дейди халқро “Авесто” жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари, ўлкашунос Комил Нуржонов.

Ҳа, бугунги кунга беҳисоб шукроналар келтирсак арзийди, мана, Амударёнинг икки соҳили бирлашиб, эллар ва диллар бир-бирига қовушди. Бугун қадимий ва ҳамшира навқирон диёримизда ўзгача бир муҳит, файзиёб кўнлар ҳукм сурмоқда. Бу қадим диёр узра икки улуг эл фарзанди – Ибройим Юсупов ва Отажон Худойшукуров яратган ўлмас қўшиқ сокин қанот ёзиб парвоз қилмоқда:

“Хаёлимда сахар-сахар
Эсар Жайхун шамоллари...”

Бир пайтлар “мавҳум шарпа”лардек эсган Жайхун шамолларида бугун бахт ва толемандлик нафаслари уфурмоқда.

Эрнўлат БАХТ

ШУКУҲ



Кўкламнинг илк кўнларида халқимиз интиқлик билан кутадиغان Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида Президент қарори қабул қилинди ва байрамга тарадуд ишлари бошланиб кетди.

ОЛАМ НУРГА ТЎЛСИН
СЕН БИЛАН, НАВРЎЗ!

Табиатда эзгулик тантаналари юз кўрсатиб, ниш урган майсалар кўкка интилганда, Яратган дунёга яшил, зангор, нопармон ранглари сочиб, бойчечак бошлаб берган гўзаллик айёмида инсонлар қалбиде янги оруз-ниятлар гуллади. Қиш бўйи елкасидан босиб турган зилдай ташвишларни итқитиб ташлаган эл енг шимариб ишга киришади: бободоҳон саҳий даласига ошиқади, чўпонбобо яшилланиб бораётган яйловларга ҳавас билан кўз ташлайди. Муз қоплаган чўқиларда жилғалар уйғониб, азалий жарангдор қўшиқларини бошлади. Одамзоднинг табиат билан уйғунликда нишонладиган афсонавий байрами – Наврўз!

Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!
Олам ичра сирли ҳаракат бошланади. Бу сир хабарини оламга кут-барака сочувчи ёмғирлар кўкдан олиб тушади...

Шивир-шивир...
Бошлайди ёмғир,
Самолардан келтирдими сир?
Тошдан тошга оҳудай чолди,
Сўқмоқларга поёндоз ёпди.
Воқиф бўлгач сирдан қир, дала,
Дашт юзлари қизарди – пола...
Тоғлар сирни тошга ўйдилар,
Аммо боғлар гуллаб қўйдилар.

Наврўз сирли тарзда, сездирмай кириб келар экан, боғларда ҳаёт гули ранг-баранг очилиб, баҳор келганини дарақлайди.

“Кимки Наврўз кун байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди”, деб ёзилган “Наврўзнама”да. Шу боисдан ҳам, юртимизнинг ҳар бир кўчасида, ҳар бир хонадониде Наврўзни муносиб, шоду хуррамлик билан кутиб олишга тарадуд бошланади. Кўчалар, маҳаллалар, боғлар обод қилинади, мева-манзарали нихоллар экилади. Олам ҳам, кўнгиллар ҳам равшан тартади. Бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида бўлади. Рамазон оий барокатли, савоба йўғрилган ойдир. Кексалар, кўмакка муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, қўни-қўшни, қариндош-уруғларга меҳр-оқибат улашишдек азалий урф-одатлар, удуларимизни адо этиш қалбимизни нурга тўлдирди.

Наврўзда нафақат олам, балки инсонлар қалби ҳам нурга йўғрилади. Қадим анъанавий кураш, кўпқари сингари миллий уйинларимиз байрам кўнлари кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди.

Наврўз ҳақида шеър битмаган шоир бўлмаса керак. Албатта, бу борада ҳам: “Ҳар тунгун қадр ўлбон, ҳар кунгун ўлсун наврўз” дея олам аҳлига эзгулик тилаган ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг таърифиға қиёс йўқ.

Мутафаккир бобомизнинг деярли барча асарлари – ғазаллари, достонлари, “Тарихи мулуки Аҳам”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Муншаот” каби насрий асарларида ҳам Наврўз билан боғлиқ таърифу тавсифлар бор. Шундай кўнларда Навоий девонларини варақлаб, Наврўз ҳақидаги битикларини ўқиш ҳам кўнгилларни равшан қилади:

Мувофиқ қийдилар, бўлими магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви яшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

ХУМОЮН

ЖАДИД МАТБУОТИ

Маълумки, ўтган асрнинг 20-йилларида юртимизда “Янги йўл” номи журнал нашр этила бошланган. Бу журнал дастлаб газета шаклида босилган. Зиё Саид ўзининг “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870-1927)” рисоласида бу ҳақда маълумот берган ва 1924 йил 1 январдан бошлаб чоп этилган ушбу газета ҳақида “Туркистон Иштирокиюн фирқа марказқўми қошидаги хотинлар бўлимининг фикр тарқатгучиси”, деб маълумот берган.

Демак, “Янги йўл” ўша даврдаёқ хотин-қизлар учун алоҳида газета сифатида юзга келган, дастлаб икки ҳафтада бир мартадан, кейинчалик ҳафтада бир марта чиқа бошлаган. Хотин-қизлар эркинлиги ушбу нашрнинг асосийси мавзу ҳисобланган. Газета илк кезларда хотин-қизларга текин тарқатилган. Адади дастлаб 500, кейинчалик 2000 тага етади.

“Янги йўл” газетаси Тошкент шаҳрининг Ёски шаҳар мавзесидаги биринчи босмахонада босилган. Зиё Саид, шунингдек, “Хотинлар ичиде яхши ёзув-



чилар бўлмаганидан, бунга кўпинча эр муҳаррирлар қатнашдилар”, деб ёзди. Бу фикр, албатта, баҳсталаб. Дастлаб таниқли шоир Ёлбек ушбу газетани чиқариш, материалларини тузатиш ва тартибга солиш билан шуғулланади. Лола Сайфуллина, Собира хоним каби аёллар бир қанча вақт муҳаррир бўлиб ишлашади. Газета журналга айлангунча талайгина ижодкорларни

кашф этади. Хосият Тиллаҳон қизи, Зуфар Носирий, Алимов, Маҳбуба Раҳим қизи, Рамз, Тошқин, Тожихон Шодиева, Олим Беглом қизи, Ҳождар Фулом қизи, Олмосхон, Саодат Шамсиддин, С.Бурнашева, Ойдин, Зарифа каби қаламқаш аёллар шулар жумласидан.

Таниқли адиб Ойбек “Янги йўл”да босилган шеърларни тўплаб, 1926 йилда “Эрк қуйлари” номли баёз тузган. Ўттиз саҳифалик баёзнинг муқовасида “Ўзбек ёш шоирларининг шеърларидан бир тўплам” деган сўзлар битилган. С.Любимова унга сўзбоши ёзган. Ойбекнинг фикрлари “Бир-икки сўз” сарлавҳаси остида келтирилган. Баёздан Хосият Тиллаҳон қизи, Ойдин (Машхура Собирова), Ҳождар Фулом қизи, Эркин (Маҳбуба Раҳим қизи), Саодат Шамсиддин, Ш.Бурнаше-

ва, Эрк Чирчикбоева, Зарифа, Ҳалима Шоумар қизи ва Хосият Мусинанинг шеърлари ўрин олган.

“Янги йўл” газетаси 1925 йил декабридан журналга айлантирилди. Зиё Саид ўз асарида мазкур журнал ҳақида ҳам маълумот беради: “Ойда икки топқир чиқа бошлади. Мақсади хотин-қизларни янги билим қуроллари билан қуроллантириб, маданият оламига чиқариш, уларни паранжидан қутқазиб, амалий равишда эрлар билан тенг ҳуқуқли қилиш, ҳар турли ҳунархона ва артелларда йиғилиб ишлаш йўллариини кўрсатиб... уларни тарбиялашдан иборат”, деб ёзди. Журналнинг фаолияти янги замон мафқурасига мос эди. “Янги йўл” саҳифаларидан 20-йиллар адабиётига доир маълумотларни топиш мумкин. Ушбу журналга ўша даврга оид адабий-маданий ҳаётнинг ўзига хос кўзгуси сифатида ёндашиш фойдадан холи бўлмайди. Ушбу нашрнинг адаби йилдан-йилга кўпайиб боргани одамлар орасида унга қизиқиш ортганидан далолат беради. Чунончи, дастлаб 1500–2000 нусхада чоп этилган журналнинг

тиражи 1929 йилга келиб 7500 нусхага етади. 1927-1936 йилларда журналга Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллахонова, Саодат Шамсиева каби аёллар муҳаррирлик қилади. Ўша кезларда “Янги йўл” хотин-қизлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олишга ҳаракат қилганини кўриш мумкин.

Эътиборли жиҳати, унинг саҳифаларида Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Ёлбек, Миртемир каби таниқли ижодкорларнинг асарлари ҳам босилганини кўриш мумкин. “Янги йўл” журнали шу тарика узоқ шаклланиш йўлини босиб ўтиб, 1936-1950 йилларда “Ёрқин турмуш”, 1950-1965 йилларда “Ўзбекистон хотин-қизлари” ва нихоят, 1966 йилдан “Саодат” номи билан чоп қилина бошлади.

Ушбу журнал ҳозирги кунда ўзбек хотин-қизларининг ҳаётини фаол ёритиб келаётган етакчи нашрларимиздан бири ҳисобланади. Ўз даврида Ўзбекистон халқ шоирлари Зулфия, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Хо-



жиева бош муҳаррир сифатида унинг обрўси ва нуфузини ошириш йўлида салмоқли ишларни амалга оширганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни пайтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъдодли шоира Мунаввара Усмонова раҳбарлик қилаётган “Саодат” журналининг мазмун-мундариҳаси янада кенгайиб, зиёли хотин-қизларимизнинг сеvimли минбарига айланган.

Ситорабону ШОМУРОДОВА,
Халқро Нордик университети
доценти



ЎЛМАС МЕРОС

Ғафур ҒУЛОМ

“ЖАЛОЛИДДИН” ДРАМАСИ ҲАҚИДА

ХОРАЗМ БАҲОДИРИНИНГ САЛОМИ

Атоқли шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб “Жалолiddин Мангуберди” тарихий драмаси 1943 йили Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театрида сахнага қўйилади. Иккинчи ҳаҳон уруши йилларида халқнинг жанговар руҳини кўтариш мақсадида совет ҳукуматининг ижтимоий буюртмаси сифатида, лекин юксак бадиий маҳорат билан яратилган ушбу асар кенг жамоатчилиikka, биринчи навбатда, фронтга жўнаб кетаётган аскарларга намоийш этилиб, томошабинлар орасида зур муваффақият қозонади.

Академик шоир Ғафур Ғулом мазкур спектаклдан олган ҳайрат ва ҳаяжонларини “Жалолiddин” драмаси ҳақида” номли мақолада ифода этиб, асарга юксак баҳо беради.

Аммо 1945 йили немис-фашист босқинчилари устидан ғалаба қозонилгандан сўнг, яъни Сталиннинг “эшаги лойдан ўтиб” бўлганидан кейин “Жалолiddин Мангуберди” спектакли ҳам, унинг муаллифи ҳам коммунистик мафкура доҳийлари учун нафақат кераксиз бўлиб қолади, балки ашадий душманга айла-

нади. 1946 йили ушбу спектакль сиёсий жиҳатдан хато асар деб топилади ва сахнадан олиб ташланади. Мақсуд Шайхзода эса ўтмишни идеаллаштиришда айбаниб, кескин қораланади ва 1950 йили ҳибсга олинди, 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинади. У орадан беш йил ўтиб, Сталин вафотидан сўнг озод этилади.

Совет давлатида ҳукм сурган мунофиқ ва маккор сиёсат, чидаб бўлмас бедодлик туфайли Мақсуд Шайхзода ва унинг қадрдон дўсти Ғафур Ғуломнинг қандай чексиз изтироб ва ғамташвиш гирдобида қолганликларини хатто тасаввур қилиш ҳам қийин.

Яқин ўтмишимизда юз берган бу каби фожиали воқеалар бизнинг бугунги эркин ва озод кунларимизнинг қадрига етишга, миллий истиқлолимизни янада мустақамлашга даъват этиши билан беқиёс даражада аҳамиятлидир. Чунки устоз Ғафур Ғулом таъбири билан айтганда, “Хоразм баҳодирининг саломини зафарнинг улуг кунига биз элтаётимиз”.

ТАҲРИРИЯТ



...Тахминан етти чорак аср бурун Ўрта Осиё Чингиз истилосига дучор бўлди. Ўлкани қон ва олов босди. Тинч ва обод шаҳарлар кул ва тутунга айланди. Бутун муқаддас от ҳақоратланди. Мўғул қиличи бешикдаги гўдакларни ҳам қонга беллади. Очкўз мўғул таламаганан саарой қолди, на қабутархона...

Катта давлат ҳукмдори мағрур Муҳаммад Алоиддин Хоразмшоҳ мўғул бўронига муқовимат кўрсатишдан ожиз қолади. Иродасизлик, ўз ҳарбий бошлиқларига эътимодсизлик ва орадаги мурасасизликлар, фитналар орқасида тождор идора жиловини қўлдан чиқаради. Мўғул отрядлари таъқиб этиб, унга бирон жойда кўнмин имкониятини бермайдилар. Ниҳоят, ваҳший бир оролда қочқин шоҳ қанфасиз кўмилади.

Бу умумий тўзғинлик ва даҳшатли фалокат замонларида Жалолiddин, халқ, ватан, эрк байроқдори каби қасос қиличини кўтарди. Муҳаммад Алоиддиннинг бу ўғли ҳақиқатан ажойиб йигит эди. Табиат унга ўткир ақл, олижаноб, мардона юрак ва жўшқин ғайрат насиб этган эди. Разил босқинчиларни, манхус таловчиларни юртдан қувмоқ учун Жалолiddин тарқоқ қўшинлардан, она Ватан учун курашга отилган халқ оммаси кучларидан бир мушт ясашга бел боғлайди. Ҳақиқатан баҳодирнинг ёстиги тош, жанговар оти йўлдош бўлади. У балоғар душманини босади, чекинади ҳам, уради, урилади ҳам, лекин мўғуллар билан курашда ўз ҳарбий ноумуси ва шарафига бир томчи доғ юқтирмайди асло. Унинг ақлига, соҳиби тадбирлигига, мардонавор ишларига шайтоний такаббурилик чўққисига минган Чингизнинг ўзи ҳам тан беради.

Яқинда Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида шоир Шайхзоданинг “Жалолiddин” драмасини томоша қилдик. Кўзларимиз қаршида узоқ мози жонланди. Бутун ўлкани даҳшатли ва машъум зилзила каби титратган ваҳшийлар истилоси ҳамда ватан ўғилларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун бошлаган фидокорона кураши ёрқин, маънодор драматизм билан тўла, ҳаяжонли картиналарда гавдаланади. Шоир Шайхзода ўз драмасида қаҳрамонлик таронасини куйлайди. Бу қаҳрамонлиқнинг жонли руҳи – Жалолiddин. У сахнада илк кўриниши ва илк сўзлари билан диққатни боғлайди, юракларда меҳр учқунларини чақади ва бундан кейинги воқеалар гирдобиде хоразмлик бу йигит ўз сиймосининг маънавий гўзаллиги билан томошабинни сеҳрлайди.

Хоразмшоҳнинг тиллакорий саройида тўй. Жалолiddиннинг суюкли синглиси Султонбегим узатилаётир. Шўх ялла, бахтга, ишққа доир хаёллар... Бироқ мўғул элчилари фалокатнинг совуқ бўрони билан кирадилар. Хоразмшоҳни тараддуд ва кўркүв ёқалайди. Вазирлар унга хайбаракаллачи. Лекин валиахд Жалолiddин – баҳодирлиқни ўткир ақл билан безаган бу ажойиб йигит вазиятни дарҳол англайди. Душманнинг кучи ва ўсалиги унга маълум. Ўғил отани курашга ундайди ва ўзи жанг майдонига ватаннинг узоқ сарҳадларида душманини бўғмоққа чиқишга тайёрдай, фақат Хоразм ҳукмдори бу самимий, олижаноб ботирнинг тоза ғояларида қандайдир адабсизлик ва исён учқунларини сезади. Жалолiddин бир онда тож-тахт ҳуқуқидан маҳрум этилади. Юртнинг, катта давлатнинг истиқболи, тақдир хали кўзи юмуқ қақалоққа топширилади.

Драматург тарихий васиқачиликка эмас, тарихий жараённинг ҳақиқий мазмунини, унинг ички маъносини бадиий тажассумлаштиришга интилан. Ҳақиқатан, воқеалар жараёнида Хоразмшоҳ салтанатини ичдан кемирган, дармонсизлантирган ва уни фалокатларга ичдан тайёрлаган яширин кучлар, омиллар сиртга бўртиб чиқади.

Жалолiddин валиахдлик тожини оддий қалпоқ каби олиб ерга қўяди. “Қошоналардан чодирни яхши кўрган”, қилич ва қалқон дўсти ўз сиймосида улуг инсоний фазилатларни тимсол этади. У шунқорнинг қанотлари – эрқдан: инсон учун ҳамма эҳтиёжлардан эрк баланд ва гўзалдир. У дейди:

Киши туғилмайди бошда тож билан,
Туғилар эркликка эҳтиёж билан.

Асарда Жалолiddин охиригача шу эрк ишчи билан ёнади. Ватан, эл эрки учун даҳшатли жанглар гирдобига киради. Унинг ватанпарварлиги тожу тахт, эътибор дағдағасидан озод, асл ватан ўглининг фидокорлигидир. Бу онага меҳр каби самимий ва покдир:

Эл, ўлка соғ бўлсин,
тож келиб кетар!

Мўғул отлари ватан гулзорларини топтаркан, эски тераклар қуларкан, Жалолiddин ўз ишқига – она Ватанга содиқ қолади. Унинг учун бўйсунилшдан ўлим афзал: “Чинор синар – эгилмас!” Жалолiddин учун курашда ягона куч манбаи – халқ оммасидир. Халқ ҳам уни севади, ажойиб баҳодир, ақлли сардорнинг образида юртнинг саломатлигини, номус ва шарафини, қора бурундан сўнг туғилажак ёрқин кундузини кўради.

Халқ қаҳрамони содда Элбарс

пахлавон билан Жалолiddин орасидаги муҳаббат, садоқат, ишонч беҳад жозибадор қувватга эгадир. Баҳодирлиги билан тарихда ўлмас ном, абадий сўнмас шон қозонган машҳур Темур Малик – Хўжанд мудофаачиси ҳам олижаноб мардона юрагининг бутун меҳри, ишончи билан ўз сардорига марбут ва содиқдир. Жанговар умрининг ҳар бир куни дostonларга сазовор Темур Малик ватан йўлида одамзод тоб бермас қийноқларга кучдайди.

Чингиз Жалолiddиннинг темир иродасини синдиришдан ва жанг майдонларида рўйроост, узил-кесил енигидан ожиз. Баландпарвоз шунқорни ўз қонли панжасига илмоқ ниятида қари тулки фитна тўрини кенг ёйди. Жалолiddин изини таъқиб этадилар. Енг учиде ханжарлар, гулдасталар ичиде асарлар асл умрни кесишга муҳайё.

Жалолiddин образи асарда тўлақонли, жонли ва улугвор образдир. Сўзи, ҳаракати ва бутун сиймоси билан романтик кўтарилма руҳли баҳодир айни замонда ҳақиқий одаимийлик хислатларидан баҳраманд. Унинг душманга нафрат билан қайнаган юраги содда чўпон найидан гоҳо эрийди. У дўстарини, яқинларини соғинади, юракни қандайдир ғашлик ва ҳасрат билан тўлдирувчи тушлар кўради. Синглиси Султонбегимни эркалайди, унга ҳазиллашишдан завқланади...

Султонбегим сиймосида Шайхзода гоёат баркамол образ ярата билган. Ҳўсон, ақл, жасорат, олижаноблик бу аёлда ажойиб гармоник бир кулл ташкил этган. Фалокатли кунларда она-Ватанин тарк этмакка мажбур бўларкан, Султонбегим чуқур ҳасрат ва самимият билан дейди:

Гарчи эрдим Хоразм қасрига безак,
Бахтиёрман бу ерда қолсам

канизам.

Султонбегим учун эри келтирган кути-кути безаклардан мўғул хароб этган гўзал Самарқанднинг бир парча гишти минг афзал. Бахтсиз Султонбегим умрининг яна бир трагедияси шундаки, унинг эри Бадриддин энг қабих, олчоқ бўлиб чиқди. Бадриддин ватанпарварларнинг муқаддас ишига не-не хиёнатлар қилмайди! Чингизнинг этигини ялаб, унинг қонли қўлидан тож киймакни умр ғояси қилган бу маккор ўз қолипига тушган кучли образдир. Бадриддин у даврдаги сарой доиралари ва қиборларнинг ахлоқини, интилишини мукамал ифодалайди. Султонбегим нажот кирғоғини топади. Бу – унинг баҳодир оғаси, ватан, эрк учун жанг майдони. Гўё сеғми, наъша, бахт учун яратилган бу

нафис Хоразм чечаги қилич яланғочлаб, отларда учади. Гўзал, кўркам сочларидан баҳодирларнинг отларига айил ясашларини орзу этади. Гўё оға-сингли курашда бир-бирларини илҳомлантирадилар. Султонбегим шахсида ватан ва эл қизи образи қақнайди.

Шайхзода катта, салмоқдор образлар ва характерлар яратган. Олинг, тарихчи Насавий: пок виждонли доно олим асарга юксак, улуг бир куч бағишлайди. Жалолiddин курашида гўё қилич билан илм бирга ҳаракат қилади. Бир кўлда қалам, бир кўлда қилич, қўлтиғида китоб билан шахид бўлган донишманд қаҳрамонликка доир китобини батамом тугатишни келажак наслларга – бизга васият этади.

“Жалолiddин” драмаси композицияси пишик, драматик тўқилишларга бой бир асар. Воқеалар жонли ва шиддатли равишда инкишоф этади. Интрига кучли, ўткир ва оригинал. Драма фикр ва ҳикматга бой, баланд руҳли, бақувват шеър билан ёзилган. “Жалолiddин” талантли шоирнинг илк драматик асари. Шунинг учун, табиий ҳамма картиналар, эпизодлар бир текис кучга, бадиий чуқурликка эга, дейиш қийин. Лекин шуниси муҳаққаки, “Жалолiddин” ўсаётган ўзбек драматургиясида, шубҳасиз, муҳим ҳодисадир. Ўзининг фикрий ва бадиий тўлқинлиги, юксаклиги жиҳатидан “Жалолiddин” бизнинг драматургиямизда юқори пояни ишғол этади.

“Жалолiddин” давримизга гоёат ҳамоҳанг; Улуг Ватан уруши йилларида, совет халқларининг қаҳрамонлиги мислсиз гуллаган даврда ботир аждодларнинг шонли ишлари юракларни ифтихор билан тўлдиради, томирларда яловбардорлик туйғуларини мавжлантиради, қонли чиркин фашизмни яқсон қилиш учун муазам курашимизда янги зафарлар ва шонлар чўққисига илҳомлантиради. Жалолiddин халқ қаҳрамонлигининг ўлмаслигига, унинг зафарига чуқур ишонч билан: “У кунга салом!” деярак, сахнадан кетади. Хоразм баҳодирининг саломини зафарнинг улуг кунига биз элтаётимиз.

Қўлдан бўён узун умрли, фикрий ва бадиий салмоқдор сахна асарларини орзу қилар эдик. “Жалолiddин” бу орзумизга жавоб беришга қодир. Шоир Шайхзода, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри ижодий коллективини бу гўзал асар билан қутлаймиз.

1945, февраль



ЮРТ АРСЛОНЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу мақсадда янги ҳарбий таълим мактаблари ташкил қилиниши баробарида мавжудларида ҳам таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Президентимиз 1 март куни Хоразм вилоятига ташрифи доирасида Урганч шаҳридаги Жалолiddин Мангуберди номидаги ҳарбий-академик лицейни бориб кўрди. Таълим муассасаси 2023-2024 ўқув йилидан фаолиятини бошлаган. 300 ўринли замонавий бинода ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари она Ватан солномаларини ўзининг жасорати билан тўлдириб турган сиймоларга ҳамиша ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келмоқда. Айниқса, Хоразм фарзанди, миллат қаҳрамони Жалолiddин Мангуберди номини улуглаш, абадийлаштириш ва ёш авлодга унинг матонатли умрини ибрат қилиб кўрсатиши барчамиз учун ўрнақдир. Урганч шаҳрида Жалолiddин Мангубердига муҳташам ёдгорлик ўрнатилгани ҳамда миллий қаҳрамон номи билан аталувчи махсус таълим маскани ташкил этилгани бутун халқимизга фахр-ифтихор бағишлайди, албатта.

Ўқув хоналари энг сўнгги русумдаги мультимедиа ва коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Ахборот-ресурс марказида 7 мингдан зиёд ўқув ва бадиий китоблар, 11 мингдан ортқ электрон адабиёт бор. Марказ вилоятдаги олий таълим муассасалари ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тармоғига уланган. Шунингдек, бу ерда Жалолiddин Мангуберди музейи, ёпиқ турдаги спорт зали ҳамда очик майдондаги спорт шаҳарчаси, сафланиш майдони, ошхона ва ётоқхона мавжуд.

Мамлакатимиз раҳбари муассаса ва ундаги таълим жараёнлари билан танишар экан, ўқитувчи ва ўқувчилар билан самимий суҳбатлашди. Жалолiddин Мангубердининг матонати ва жасорати ёш авлод учун беқиёс сабоқ эканлигини таъкидлади.

– Бу ерда аниқ фанлар ўқитилиши албатта яхши. Шу билан бирга, дарс жараёнларида ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, ёшларга асл қадриятларимизни чуқур ўргатиш лозим. Токи, миллий руҳ ва ғурур уларнинг энг кучли қуролига айлансин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Суҳбатда ҳарбий-жанговар қудрат, юксак маънавий салоҳият юрт ҳимоячиларининг муҳим таянчи эканига урғу берилди.

Лицейда таълим олаётган ўқувчилардан бири Эшқулов Азизбек сўз олиб, келажакда ҳарбий учувчи бўлмоқчилигини, инглиз, рус тилларини билиши, айни пайтда корейс тилини ҳам ўрганаётганини айтиб ўтди. Азизбекнинг бурро гап-сўзлари, фикр-мулоҳазалари унинг кенг дунёқарашга эга эканлигини яққол кўрсатди. Айниқса, унинг: “Эл-юрт посбони ва қалқони бўлиш – энг улуг вазифа. Ватаним учун жонимни ҳам аямайман. Чунки жонимдан ҳам азиз ота-онам, укам, синглим шу дийёрда яшапти”, деган сўзлари барчани бирдай таъсирлантирди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида миллий армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Бутун Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир бўлган, ҳаракатчан ва пухта қуролланган қудратли кучга айланди.

Лицей Урганч давлат университети ҳамда Чирчиқ олий танқўмондонлик-муҳандислик билим юрти билан ҳамкорлик ўрнатган. Шунингдек, Урганч шаҳридаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари, спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Бу ташаббусни бошқа мактабларда ҳам кенг кўламли ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, келажакда ёш авлод ватанпарвар, мард ва жасур бўлиб камолга етади, деган умид қалбимизни ёритиб туради.

Дунёда юзага келган ҳозирги мураккаб вазиятда она Ўзбекистонимиз мустақиллиги ва суверенитетини, унинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувлиқни асраб-авайлашда аскарларимизнинг маънавиятини, ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилляпти.

Кейинги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан бу мавзуларда қатор фильмлар, спектакль ва бадиий асарлар яратилмоқда. Ташриф чоғида ана шу ижод намуналарининг муаллифлари, актёр ва режиссёрлари билан ҳарбий академик-лицей ўқувчилари ўртасида доимий мулоқот ва учрашувлар ташкил этишни ўқув дастурига кириштиш масаласи кўтарилди.

Шунингдек, ҳарбий таълим дастурларини илғор тажриба асосида янгилаш, педагоглар маалакасини ошириш, Ватан ҳимоячиларининг ахлоқий-руҳий ва жанговар тайёргарлигини янада кучайтириш чораларини изчил давом эттириш талаб қилинади. Бу борадаги ишларда “Халқ ва армия – бир тану бир жон!” деган ҳаётбахш шиор асосида давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳарбий-маъмурий секторлар ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлиги қутилган натижаларни беришига ишончимиз қомил.

ИқБОЛ МИРЗО



ХАЛҚ МУЛКИ МУҚАДДАС!

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу боис “Янги Ўзбекистон – мактаб осто-насидан, таълим-тарбия тизимидан бошлана-ди”, деган ғоя асосида кенг қўлмалли ислохот-ларни амалга ошириш бўйича кенг қамровли вазибалар белгиланди. Соҳага бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам йил-дан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, халқ таъ-лимига 2021 йилда қарийб 32 трлн. сўм, 2022 йилда 37,5 трлн. сўм, 2023 йилда 47 трлн. 15 млрд. сўм ажратилган бўлса, жорий йилда бу рақам 52 трлн. 777 млрд. сўмни ташкил эт-моқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, бошқа бюджет ташкилотлари каби халқ таълими муассаса-лари ходимларини ҳам турли ҳашарлар, жум-ладан, пахта йиғим-теримига жалб этишга чек қўйилди. Педагогнинг мақоми қонун билан белгиланиб, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари дав-лат томонидан ҳимоя қилиниши мустақам-ланди.

Албатта, яратилаётган бундай шароит ва имкониятлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин бу соҳа адолатли, шаффоф ва корруп-циясиз соҳага айланмас экан, қанча иш қилин-масин, қанча маблағ сарфланмасин, қутилган натижа ва қўйилган мақсадларга эришиш қи-йин кечишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Очиқ айтиш керак, ўтган даврда халқ таъ-лими тизимининг айрим соҳаларида порахўр-лик, таниш-билишчилик, суиистеъмолчилик авж олган эди. Афсуски, бундай иллатлар-дан ҳозир ҳам тўлиқ халос бўла олганимиз йўқ. Шунча эътибор ва ғамхўрликларга қара-масдан, соҳада коррупция ҳолатлари, жиддий муаммо ва нуқсонлар сақланиб қолаётгани барчамизни, хусусан, ўз ҳаётини ушбу соҳага бағишлаган фидойи ўқитувчи ва мураббийла-римизни ташвишга солмоқда.

Айниқса, таълим тизимидаги корруп-циявий омиллар тахлили, биринчи навбатда, соҳадаги айрим мансабдор шахслар томо-нидан бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши билан бевосита боғлиқ бўлиб қо-лмоқда. Уларнинг давлат томонидан заҳмат-каш педагог ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва иш ҳақини ошириш учун ажратила-ётган маблағларга чанг солаётгани жуда ачи-нарлидир.

Шу ўринда айрим мисолларга мурожаат қилсак. Андижон шаҳар халқ таълими бўли-мининг мансабдор шахслари ходимларга иш ҳақи бериш ҳақида сохта ҳужжатлар тузиб, “ЎзАсбо” дастурига киритиш орқали икки йил ичида қарийб 34 млрд. сўмини талон-торож қилган. Бу ҳам етмаганидек, улар мазкур дастурий таъминотта мактабларда умуман ишламайдиган 41 нафар, ишдан бўшаб кет-ган ёки ҳомиладорлик таътилида бўлган 384 нафар фуқарони ҳам киритиб, ғўеки улар-га иш ҳақи бериш важи билан яна 12 млрд. сўм пулни ўзлаштирган. Шунингдек, 604 на-фар ишчи-ходимга иш ҳақи, мукофот, меҳнат ва туғруқ таътили учун тўловларни ҳеч бир асоссиз кўпайтириб ёзиш йўли билан қўшим-ча 2,5 млрд. сўм маблағ ҳам ўмарилган.

Ҳолбуки, ушбу маблағларни қанчадан-қан-ча педагог ходимларнинг шарафли меҳнати-ни рағбатлантириш учун йўналтириш мумкин эди.

Халқимизда: “Янгисини қурмай туриб, эскини бузма”, деган ҳикматли нақл бор. Би-роқ таълим тизимидаги айрим мутасаддилар мактаб биноларини ўринсиз равишда бузиш йўли билан ҳам халқ мулкини талон-торож қилишмоқда. Масалан, Ангрен шаҳар мактаб-гача ва мактаб таълими бўлими мансабдор шахслари қалбаки буйруқ асосида ушбу ҳу-дуддаги 5-мактаб биносини бузиб, 400 млн. сўмдан ортиқ мактаб мулкини ўзлаштирган. Ёки Ҳўжабод туманидаги 17-сонли нуқсони бор болалар давлат таълими муассасаси ди-ректори И.Р. мазкур муассаса ихтиёридаги 1 гектар ер майдонини ғўеки танлов амалга ошириш йўли билан яқка тартибда уй-жой ку-риш учун ажратиб тўғрисида туман ҳокими-нинг сохта қарорини қабул қилишга эришиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказган.



Халққа фойдаси тегадиган бино-иншоот-ларни қуриш қанчалик савобли иш экани ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, нафси ҳақалак от-ган айрим кимсалар мактаб қуришга йўналти-рилган маблағларга ҳам кўз олайтиришмоқда. Денов тумани халқ таълим бўлими мансаб-дорлари бир гуруҳ шахслар билан ўзаро тил бириктириб, тумандаги тўққизта умумтаълим мактабини капитал таъмирлаш мақсадида давлат бюджетидан ажратилган 8,6 млрд. сўм маблағнинг 2,5 млрд. сўмини объектларда амалда бажарилмаган ишларни қўшиб ёзиш орқали ўзлаштиришган.

Маълумки, таълим муассасаларида педагог ходимлар ва ўқувчиларга зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда таълим си-фатини ошириш мақсадида ўқув хоналари замонавий воситалар билан таъминлан-моқда. Бироқ айрим нопок кимсалар мак-табларга ўқув-мебель жиҳозларини етказиб беришда ҳам қаллобликка йўл қўйиб, бу

йўналишдаги ислохотларга тўсиқ бўлмоқда.

“К.Е.” масъулияти чекланган жамияти раҳ-бари А.С. мактабгача ва мактаб таълими ва-зирлиги ҳузуридаги “Ўқув таълим-таъминот” давлат унитар корхонаси мансабдор шахс-лари билан ўзаро тил бириктириб, Қашқа-дарё вилоятидаги умумтаълим мактабларига жами 19,6 млрд. сўмга 45 турдаги ўқув-ме-бель жиҳозларини етказиб бериш юзасидан 2021 йил 18 июнда ўтказилган тендерда ғо-либ бўлади. Бироқ у тендер шартларида қайд этилган техник таснифда ва давлат стандарт-ларига мос бўлиши лозим бўлган ўқув-мебель жиҳозларини атайин кичик ўлчамларда тай-ёрлаш ва баҳосини қиммат нархда ҳисоблаш орқали 1,8 млрд. сўм бюджет маблағини ўз-лаштиришган. Энг ачинарлиси, ушбу ностан-дарт жиҳозлардан фойдаланиши оқибатида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг соғлиғига еткази-ладиган зарарнинг баҳосини ҳеч қандай маб-лағ билан ўлчаб бўлмайд.

Ўрни келганда яна бир муҳим масалага

ала шарҳ китоб ал-минар”, “Латоиф ва таро-ийк”, “Насих ут-таворих”, қадимий санскрит ти-лидаги “Шуксаптити” (кейинчалик “Тўтинома” номи билан шўхрат толган) каби жами 57 дона ноёб тарихий ва бадий аҳамиятга эга қўлёзма асарлар, машҳур уламолар қаламига мансуб 12 дона тошбосма асар ҳамда 9 та тарихий ҳужжати талон-торож қилган. Экспертларнинг ҳулосасига қўра, мазкур ноёб асарларнинг умумий қиймати 2,6 трлн. сўмга баҳоланган. Мазкур қабих талон-торожликка оид иш жи-ноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди то-монидан жиноят иши апелляция инстанцияси тартибда қўриб чиқилиб, жавобгар шахслар-га жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бундан ташқари, 27 та маданий мерос объектидан бирон-бир ҳуқуқий асоссиз ноқо-нуний фойдаланиб келинган. 35 та фой-даланишга (ижарага) берилган объектда илмий эксперт кенгашининг рухсатисиз қури-лиш-таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, 12 та маданий мерос объектидан оқилона фойдаланилмаган. Мисол учун, Бухорода Мавлоно Шариф ансамбли, Жиззахда Саъд Ибн Абу Ваққос мажмуаси, Қашқадарёда “До-рус Саодат” мажмуаси, Навоийда Мир Саид Бахром мажмуаси, Наманганда Умархўжа Эшон масжиди, Андижонда Банди ота зиёрат-гоҳида рухсатсиз таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, тарихий обидаларга жиддий зарар етказилган.

Сўнгги 5 йилда маданий мерос объекти ҳисобланган 59 та масжидни таъмирлаш, рес-таврация қилиш учун 36,9 млрд. сўм ҳамда 51 та зиёратгоҳ учун 60,1 млрд. сўм бюджет маблағлари сарфланган. Шу даврда Миллий рўйхатга киритилган барча 239 та объектни реставрация қилиш учун бюджетдан жами 268,6 млрд. сўм маблағ ажратилган. Аммо ўтказилган ўрганишларда лойиҳада кўрсатил-маган 50 та иш учун 7 млрд. сўм, рухсат олин-маган 15 та иш учун 17,5 млрд. сўм асоссиз сарфлангани, 68 та ҳолатда 3 млрд. сўм ўз-лаштирилгани ҳамда 10 та объектга 8 млрд. сўмлик зарар етказилгани аниқланди.

Сўнгги икки йилда бу йўналишда қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйи-ча 148 та тақдиминоа киритилиб, 108 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди ва 84 та жиноят иши қўзғатилди, етказилган зар-арнинг 8,2 млрд. сўми ундирилди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари ташаббуси билан тарихий объектларда ҳо-милий асосида қарийб 2,6 млрд. сўмлик таъ-мирлаш ишлари бажарилди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда таъ-лим соҳасида учраётган юқоридаги каби кўн-гилсиз ҳолатлар ҳамда бебаҳо маданий ме-росимиз намуналарини асраш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳар бир юртоди-мизни ташвишга солиши тайин. Шу боис ушбу соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш учун келгусида ҳам барча қатъий чоралар кўрилади.

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бosh прокурори

АДАБИЙ ДЎСТЛИК

“АЛ-САҚАФА АЛ-ЖАДИДА” ЖУРНАЛИ:

“ЎТКАН КУНЛАР” РОМАНИ

ва унинг муаллифи ҳақида

Мисрда чоп этиладиган “Ал-Сақафа ал-Жадида”журналида Қоҳирадаги Айн Шамс университетги профессори Мухаммад ал-Жибалининг “Абдулла Қодирий – ўз-бек адабиётининг йирик намоёнаси” сар-лавҳали мақоласи чоп этилди.

Журналист мазкур таҳлилий мақоласида машҳур адиб ва мутафаккир Абдулла Қодирий ижоди, хусусан, унинг ўзбек мумтоз адабиёти-нинг дурдоналаридан бири сифатида эътироф этиладиган “Ўткан кунлар” романи ҳақидаги муҳим маълумотларни муштарийлар эътибо-рига тақдим қилган.

Мақола муаллифи Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романини ёзиб, янги ўзбек адабиётида роман жанрига асос солганини таъкидлаган. Унинг қайд этишича, мазкур роман ва унинг муаллифи ижоди ўзбек маданияти ҳамда ўзбек миллий адабиёти тараққиётида муҳим босқич бўлган.

“Қодирий икки аср бўсағасида, ижтимоий-си-ёсий ва маънавий қийинчиликлар, қарама-қар-шиликлар ва нотинчликлар даврида камол топди, – дейилади мақолада. – Табиийки, бу унинг дунёқараш ва бадий ижодида жиддий таъсир кўрсатди. Адиб иходининг бу чўққиси борлик ҳақидаги тарихан исботланган долзарб ижтимоий саволларга аниқ жавоб беради”.

Мақолада таъкидланганидек, “Ўткан кунлар” ўзбек адабиётидаги биринчи реалистик роман ҳисобланади. Асар давомида ёзувчи ўқувчига тўғридан-тўғри мурожаат қилади ва унга мав-жуд ҳақиқатни бутун мураккаблиги ва ғўзалли-ги билан етказди.

“Романи тарихий таҳлил қилиш орқали воқеаларнинг илдишларини, ёруғлик ва зулмат, ҳақиқат ва ёлғон ўртасидаги азалий зиддиятни ўрганиш мумкин. Ёзувчи ўша даврда амалда бўлган халқ ва диний урф-одатлар, маросим-лар, ёзилмаган қонунларни юксак маҳорат би-лан тасвирлаган. Икки ёш ўртасидаги муҳаб-бат ҳикояси орқали у мураккаб муаммоларни кўтариб чиқади. Бу яхшилиқ ва ёмонлик ўрта-сидаги курашдир”, дейилади мақолада.

Мақолада қайд этилишича, буюк адиб Аб-дулла Қодирий ўзбек адабиёти тарихи ва та-раққиётида ўчмас из қолдирган. Абдулла Қоди-рийни бежиз “миллат кўзгуси” деб айтмаган. Адиб ўз асарларида XIX асрдаги Туркистон тарихини ишончли ёритади, ўзбек халқи ҳаёти-нинг асл образларини тиклайди, замон муам-моларини жасорат билан танқид қилади.

“Араб китобхоналари ушбу ноёб адабий таъ-сир ва у орқали Ўзбекистон тарихидаги муҳим даврни илк бор билиб олишлари учун тез ора-да “Ўткан кунлар” романининг араб тилига таржимаси нашр этилади”, дейилади мақола якунида.

“Дунё” АА

ЭКОЛОГИЯ

Бундан 40-50 йилча олдин фарғоналик устоз муаллим ва шоир Иқбол Назаров Ватан ҳақида-ги шеърда: “Аригиндан ётиб сув ичай”, дея орзулаганди. Чанқоқ одам югуриб келиб ариқдан энга-шиб сув ичган дамлар бугун эрта-ка айландими? Огаҳий ёзганидек, само ҳам “ондин ёғар гирди хатар”га айланиб бормоқдами? Ўша “гирди хатар” қаердан келмоқда? Ердан ўрлаб кўкка етмаётганими?

Тўғри, бугунги кунда “Яшил макон” лойиҳасини амалга ошириш, яшил иқтисодиётга ўтиш бўйича кенг қўла-мли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ экологияни асраш ва авлодлар учун яроқли иқлим шароитини сақлаб қолиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтма-ган халқимиз.

Яқинда Тошкент ҳавосининг меъёр-дан ортиқ ифлосланиши ҳақида кўпчи-лик бонг урди, кўчаларда машқлар ба-жармаслик, никоб тақиб юриш ҳақида тавсиялар берилди. Бунга гоҳ кўмир, гоҳ мазут, қурилишлар, автомобиллар сабаб қилиб кўрсатилди. Бу омиллар ҳавонинг софлиғига салбий таъсир қи-лаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Аси-лида ўзимиз ҳам унинг ифлосланишига маълум даражада “ҳисса” қўшялмиз.

Шу хусусда Олий Мажлис Қо-нунчилик палатаси депутати Ислон Хушвақтовга мурожаат қилдик:

– Ислон ака, бугунги кунда атмо-сфера ҳавосининг ифлосланишига асо-сан нималар сабаб бўлмоқда?

– Айни пайтда саноат корхоналари ҳамда автотранспорт воситалари ҳаво-ни ифлослантираётган асосий омиллар бўлиб қолмоқда. 2023 йилда республи-



ка бўйича ҳавога чиқарилган зарарли моддалар 2138,3 минг тоннани ташкил этган бўлса, шундан 1279,9 минг тон-наси автотранспорт воситалари, 858,4 минг тоннаси саноат корхоналари ҳис-сасига тўғри келган.

Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, хусусан, саноат чиқинди-ларини қайта ишлаш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, халқа-ро ҳужжатларни, яқин ва узоқ муддат-га мўлжалланган давлат дастурларини қабул қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан биргаликда эколог-ик муаммоларни ечиш йўлидан бормоқда. Бироқ амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим ҳу-дудларнинг, хусусан, Тошкент шаҳри-да ҳавонинг ифлосланиши кўрсат-

кичлари юқориликча қолмоқда.

– Муаммонинг ечимига доир қандай тақлифларни берган бўлардингиз?

– Аввало, ифлослантирувчи мод-даларни атмосферага чиқаришни ка-майитириш мақсадида атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи йирик корхоналарга замонавий чанг-газ туггичлар ўрнатиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиб амалга ошириш, хориждан келтири-лаётган саноат филтърлари, чанг-газ туггичлар ишлаб чиқаришни маҳаллий-лаштириш чораларини кўриш ва бу бо-рада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш лозим.

Шунингдек, шаҳарларга қиришда йирик автотурароҳлар ташкил этиб, шаҳарларга қириданги автомобиллар оқимини бошқариш, жамоат транспор-ти хизмати ва йўловчиларга хизмат

ҲАВОДАН ЗАҲАР-ЗАҚҚУМ ЁФИЛМАСИН

кўрсатиш ҳолатини тубдан ўзгартириш, ҳудудларда яшил майдонларни кўпай-тириш тавсия этилади.

Бу ҳақда гап кетганда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтишимиз одат-да, кўпчилигимиз тоғли, боғли ҳудудлар-да дам олгандан сўн пластик идишлар, елимхалталарни ўша жойда қолдириб кетиш табиатга, қолаверса, ўзимизга зиён келтириши ҳақида ўйлаб ҳам кўр-маймиз. Полиэтилен модда бутунлай парчаланиб кетиши учун 100 йилдан 500 йилгача вақт керак бўларкан.

Бир неча йил олдин елимхалталар ўрнига қозғ пакетлардан фойдала-нишга ўтишга даъват этилганди. Дўкон-ларда елимхалталар пуллик қилиб ҳам қўйилди. Бироқ улардан фойдаланиш камайди? Назаримизда, ҳаммаси аввал қандай бўлса, шундайлигича да-вом этмоқда.

Яна депутатга юзланамиз:

– Ислон ака, депутатларнинг эко-логик мувозанатни сақлаш йўлида қандай режалари бор?

– Полиэтилен кашф этилгандан буён дунё бўйича жами 9 миллиард тоннага яқин пластмасса ҳомашёси ишлаб чиқарилган. Унинг асосий қисми чиқиндиҳоналар ва атроф-муҳит-га ташлаб юборилган. Агар дунёда-ги мавжуд елимхалталар бир-бирига боғланганида улар Ер шарини 4200 марта айлантиришга етар эди. Пла-стик чиқиндилар сув ҳавзалари ва тупроқни ифлослантиради. Ўз навба-тида, сув, ер ва атмосфера ҳавоси-нинг ифлосланиши инсонлар соғлиғи ва ҳаётига, биологик хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Олимлар-нинг тадқиқотларига қўра, бир киши

ўзи билмаган ҳолда ҳафтасига ўрта-ча 5 грамм, бир йилда эса 250 грамм микро ва нанопластик унсурларни “ис-теъмол қиларкан”. Қунига 1,5 – 2 литр сув ичадиган одам бир йилида 90 минг пластик идишлардан қутулишини им-кони борми, деган савол туғилиши та-биий. Бир қатор давлатларда пластик маҳсулотлардан фойдаланиш қонун йўли билан тақиқланган. Хусусан, 2016 йилдан бошлаб Франция ўз ҳудудида бир мартикал пластик идишлар ишлаб чиқариш ва сотишни ман этган бирин-чи давлат бўлди. Европарламент ҳам бундан беш йил илгари бундай маҳ-сулотларга тақиқ киритишни кўпчилики овоз билан қўллаб-қувватлади. Бугунги кунда дунёдаги қирққа яқин мамлакат-да пластик идишларни сотиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки уларга чек-лов жорий қилинган. Бу давлатларда елимхалталарни ишлатиш кўрсаткичи 94 фоизга камайиб, бир марта ишла-тиладиган қозғ ёки қайта ишлатила-диган матодан тикилган халтачаларга ўтибди. Шунингдек, айрим давлатлар-да елимхалталар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишга қарши кескин чоралар қўлланилмоқда. Хусусан, Тан-занида бундай ҳуқуқбузарлик учун 2 минг АҚШ доллари миқдорида жарима ёки бир йил қамоқ жазоси белгиланган. Австралида пластик пакетдан фой-даланганларга 4600 доллар жарима солинади.

Бизда ҳам полиэтилен маҳсулот-лардан фойдаланишни тартибга со-лувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, мамлакат

ҳудудида қалинлиги 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни ишлаб чиқариш тақиқланган (экспорт учун ишлаб чиқариладиган, тутқичсиз ва ҳўжаликда фойдаланиш учун ўрам-ларда сотиладиган полимер плёнкали пакетлар, шунингдек, чирийдиган по-лимер материаллардан тайёрланган пакетлар бундан мустасно). Бироқ бу амалиёт бугунги кунда тўлиқ жорий этилмагани боис атроф-муҳитда ушбу турдаги чиқиндилар кўпайиб бормоқда.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси депутатлари ташаббуси билан мазкур турдаги чиқиндиларни тартибга солишни қонунийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси-нинг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни-нинг янги таҳрири ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳада бир мартикал пластик маҳсу-лотлар, хусусан, қадоқлаш плёнкаси ва айрим турдаги елимхалталарни четдан олиб кириш, сотиш ва ишлаб чиқариш-ни ҳамда савдо шохобчаларида улар-нинг савдосини тақиқлаш, шунингдек, фойдаланилган пластмасса қадоқлар-ни қайта ишлаш тизими ва иккиламчи маҳсулотга айлантириш орқали муо-малага киритиш тартиблари белгилан-моқда.

“Қарс икки қўлдан” деб бежиз ай-тишмаган. Жонаҳон Ватанимиз та-биатини муҳофаза қилиш ва шу орқали халқимиз саломатлигини асраш фақат-гина давлатнинг иши эмас, балки ҳар биримизнинг вазифамизга айланиши керак. Токи, осмонимиз, ҳавомиз “гирди хатар”дан ҳолли бўлсин.

Гулбаҳор САЙДҒАНИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

(Давоми келгуси сонда).



БУГУННИНГ ГАПИ

Ўтган йили 22 декабрда бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: “Агар ҳозир “Қани, охириги бир ойда қайси театрға бордингиз, қандай янги китоб ўқидингиз?”, – деб сўрасам, ўйлайманки, аксарият раҳбарлар хижолат бўлиб қолиши мумкин”. Мазкур анжуманда ҳар ойда “Театр куни”ни белгилаб, вазирлик ва идоралар ходимлари театрға боришини йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилган эди.

Хўш, ниҳоятда ўринли ва долзарб бўлган бу масалага вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, таълим муассасалари раҳбарларининг муносабати қандай бўлди?

Ана шу саволга жавоб излаб, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Миллий академик драма театри, Мухимий номидаги мусикали театр, Ёш томошабинлар театри, Катта академик театри, Ўзбекистон драма театри, Мусикали комедия (оперетта) театри, рус драма театри, Сатира театри мутасаддиларига мурожаат қилдик. Маълум бўлишича, аксарият театрлар бир қатор вазирлик, идоралар, турли ташкилотлар билан спектаклларга томошабинни жалб этиш бўйича шартномалар тузишган. Бу борада Миллий академик театр, Рус драма театри, Катта академик театр ва Ёш томошабинлар театри етакчиликти қиляпти. Бошқа театрларда ҳам ҳаракат бор. Мухими, шартнома тузишда ташкилотларнинг ўзлари ташаббус кўрсатишяпти.

Театрларга ташриф буюрувчилар орасида ёшларнинг кўпаяётгани қувонарли ҳол. Бунда, шубҳасиз, юқорида номлари келтирилган театрлар раҳбарияти ва ижодий ходимларининг репертуар танлаш, ижодий жамоанинг эса профессионал ижро маҳорати муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, пойтахтимиз театрларида намоёйиш этилатган “Мирзо Улуғбек”, “Жалолиддин



ҲОКИМ ҚАЧОН ТЕАТРГА ТУШАДИ?

Мангуберди”, “Ўзгалар дарди”, “Сабаъи сайёр”, “Ер барибир айланаверади”, “Жинлар баъзи”, “Ишлагандай бўлайлик”, “Ромео ва Жульетта” драмалари, “Алишер Навоий”, “Кумуш”, “Фауст” опералари, “Лайли ва Мажнун”, “Усмон Носир” каби мусикали драмалар томошабинларда катта таассурот қолдирипти.

Хуллас, бир қараганда, бугун театрларда ишлар ёмон эмас. Мухими, томошабин театрларга қайтмапти.

Шу ўринда яна бир гап. Биз театр мутасаддиларига “Шартнома тузган вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам спектаклга шахсан ташриф буюряптиларми?” деган савол билан мурожаат қилдик. Афсуски, жавоблар қониқарли бўлмади. Тошкент шаҳрида жойлашган барча театрларга вазирлик ва ташкилотлар ходимлари, баъзан ўринбосарлари келишган. Фақат Миллий театрнинг айрим спектакллариغا Шайхонтоҳур, Яқкасарой туманлари ҳокимлари, Катта академик театрга Транспорт вазири ҳамда унинг ўринбосарлари келган. Сатира театри Қорақалпоғистонда ижодий сафарда бўлганида Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши Раиси ўринбосари ҳамда Нукус шаҳар ҳокими спек-

такль томошасида ҳозир бўлишган. Хўш, вилоятларда бу жараён қандай кечаяпти?

Одатда, оилада ота-она фарзандларига ўрناк бўлиши керак, деб ўқитиб келамиз. Раҳбарлар ҳам ўз ташкилотининг ота-онаси эмасми? Шундай бўлгач, аввало, уларнинг ўзлари театр, концерт томошаларига боришлари лозим. Улар ҳам Ўзбекистоннинг бугунги театр ҳаёти, умуман, маданий қиёфаси ҳақида аниқ тушунчаларга эга бўлишлари, бунинг учун эса томоша масканларига боришда ибрат бўлишлари муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Ваҳоланки, йиғилиш бўлиб ўтганига ҳам икки ойдан ошди. Вақт эса кутиб турмайди. Ҳар бир кунимиз, соатимиз, ҳатто дақиқамиз ғанимат. Ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси билан боғлиқ вазифанинг ўз вақтида бажарилиши келажагимиз сари ташланган яна бир хайрли қадам экани қундай равшан. Гап фақат ҳаракатга тушишда. Наҳотки, ҳокимлар, раҳбарлар ходимларни театрларга тушиш қуни белгиланишини кутиб ўтиришлари керак бўлса? Қачон шахсий ташаббус кўрсатишга ўрганимиз?!

Гулчеҳра УМАРОВА

ҲАЖВ

ҲЕНДЕР МАНЛИК

Хотин акам, гендер, дейди,
Ҳуққимиз тенедир, дейди.
Кўнаглини сал кенгрок тутини,
Кенгага дунё кенгдир, дейди.

Мен гижиниб, гендер, дейман,
Ўйлаб топган сендир, дейман.
Мана, сенга қора ўчоқ,
Мана, сенга тандир, дейман.

Хотин кулиб, гендер, дейди,
Кимдадир бет – чандир, дейди.
Аравани тенг тортамин,
Сиз ёқа, мен енгдир, дейди.

Мен бўғилиб, гендер, дейман,
Ўйда эркак мендир, дейман.
Супураини ҳўллаб супир,
Тошқўмирни сундир, дейман.

Хотин яна, гендер, дейди,
Хотин – бўй, эр эндир, дейди.
Қизингиз бор, ўйланг бирров,
Ёмон эркак “сен” дер, дейди.

Мен бўшашиб, гендер, дейман,
Қизим – жоним, чиндир, дейман.
Жон жойимдан ушладинг-ку,
Ҳа, энангни эмгир, дейман.

Мулла ХУНОБ



Хусан СОДИҚОВ чизган сурат.

ТИЛБИЛИМ

ЭГАЧИ

“Ўзбек халқ шевалари луғати”да ёзилишича, баъзи шеваларда “эгачи” (“экэжи”, “эгэчъ”) деб аканинг хотини, яъни янгага нисбатан айтилади. Аммо адабий тилда, шунингдек, айрим шеваларда “эгачи” деганда “опа” тушунилади: “эгачи-сингил” – “опа-сингил”.



Бу сўз “эга” сўзидан ясалмаган, “Девону луғотит-турк”-да “эка” сўзи бор ва у шундай изоҳланган: “эка – опа. Ўғзлар эка дейдилар”. Баъзи ўзбек шеваларида бу сўз “ача”, “эжа”; қирғизлар ҳам “опа”ни – “эжа” дейдилар. “Бобурнома”да Бобур бу сўзни “ака” шаклида қўллади, аммо “Муғулларнинг сирли тарихи” асарида “эка” сўзи “она” маъносига қўлланган.

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да Ш.Раҳматуллаев “эгачи” сўзини: “аканинг хотини, ёши катта хотинга аёл кишининг мурожаат сўзи. Бу сўз қадимий туркий тилдаги “опа” маъносиди “эка” сўзидан эъзошлас маъносини ифодаловчи “чи” қўшимча билан ҳосил қилинган”, деб изоҳлайди. Аммо “Девону луғотит-турк”да “экач” шакли ҳам бор ва у шундай изоҳланган: “экач – ўзининг ортиқ сийрақлиги билан одамларга худди ўз синглисидек туюлувчи ёш қиз; бу сўз ёш қизларни севиш, эркалаш учун қўлланади”. Бу изоҳдан “чи” қўшимчасининг кирчатириш, эркалаш маъноси ҳам борлиги аниқлашди.

“Муғулларнинг сирли тарихи” обидасида туркий сўзларнинг қўллиги ҳақида аввалги мақолаларда ҳам айтган эдик, асарда “опа” маъносига бир неча ўринда айнан “эгачи” (āgāči) сўзи ишлатилганини кўриш мумкин. Хусусан, Чингизхон татарлар устидан ғалаба қозониб, татар Йеке-Черен (Yāka Čārān)нинг қизи Йесуган хотун (Yāsūgān qatun)га ўйланоқчи бўлади. Шунда Йесуган Чингизхонга: “Менинг Йесуй исмли олам бор (āgāči Yāsui), хон мендан олдин оламга ўйланса...”, деб опасини ҳам хонга тақлиф этади. Асарнинг ҳозирги муғул тилига қилинган таъдбирида аслиятдаги: “Менинг эгачим Йесуй” – “миний эгч Есуй”, деб ўғирилган, яъни ҳозирги муғул тилида ҳам туркий “эгачи” – “опа” маъносига “эгч” шаклида қўлланади.

Алқисса, “эгачи” – “опа”нинг синоними, “чи” қўшимчаси эъзошлас, эркалаш маъносига, баъзи шеваларда аканинг хотинига нисбатан ҳам “эгачи” деб айтилишини эса ҳурмат юзасидан, деб тушуниш мумкин.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

МУЛОҲАЗА

Коинот ичра Ер деб аталмиш маконда бугун етти миллиарддан зиёд одам яшамоқда. Ҳар бирининг бармоқ излари бир-бирига ўхшамагани каби, қиёфалари ҳам ўзгача. Худди шундай бировнинг қалби бировникига ўхшамайди. Бу ҳақда ўйлаганингда кўнглингда бир ширин гурур уйғонади: қандай ажойиб, бу дунёда яна худди сендай иккинчи бир одам йўғ-а?! Сен бетакдорсан ва яғонасан! Яъни Аллоҳ ҳар биримизга ўзимизга мос кўз-қош, табассум, жилва берган. Қалбимиз, кўнглимиз, ақл-фаросатимиз ҳам фақат ўзимизга хос.

Шу ўринда ноёб қиёфамизнинг кўзгуси бўлмиш кўз ҳақида тўхталаск. Зеро, кўз – инсон учун энг муҳим аъзо. У нафақат рангларни кўради, балки бутун вужудимизни ҳис қилишга: қувониш ёки азобланиш, кўрқув ёки ҳаловат туйишга ундайди... Тўғри, бугун жарроҳларнинг қўли билан бурун, қўлоқ ёки қабоғимизни ўзгартиб олишимиз, соч ва кичриклар актиришимиз мумкин, аммо барибир кўзни ҳеч нарсаси билан алмаштириб бўлмайди.

Кўз ҳақида – эҳтимол, сиз кўпроқ биларсиз – биз юритмоқчи бўлган гап бошқа маънода. Хўш, нега бугун бир-биримиздан қўшимчини олиб қочадиган бўлдик?! Ёлғончилар кўпайиб кетдимми? Мунофиқлик аксарият одамларнинг қиёфасига айландими? Халқимизда: “Юзингда кўзинг, демасдан-а...” ёки “Иккиюзламачилик қилма!” деган гаплар бор... Хуллас, иккиюзламачилар, яъни асл қиёфасини билиб бўлмайдиганлар кўпайиб бормаяптими?! Қиёфасизлик аслида турланадиган, айтганидан тонадиган, сувдан қуруқ чиқиб кетишга устаси фаранглар учун қулай ниқоб.

Хўш, қиёфасизлик қаердан пайдо бўлади? Бунга қандай воситалар сабаб бўлмоқда? Менинча, бу ҳолат “телефон” деган

ҚИЁФАСИЗЛИК



матох пайдо бўлганидан кейин ажб олди. Тўғри, бу билан мен таракқиёт махсули бўлган телефонни буткул инкор этмоқчи эмасман, дастёрчилиқда унинг баҳоси йўқ. Лекин, тан олиш керак, айнан телефон қиёфасизларга қулайлик туғдирди. Яхши-да: телефонда гаплашаётган одам ҳеч кимнинг кўзига қарамайди, хижолат тортмайди, юзи қизармайди, уялмайди...

Айнан телефонга қарамлик иккинчи сабабни келтириб чиқарди. Кўпчиликда китобхонликдан узоқлашиш ҳолати содир бўлди, китоблар ўқилмай қўйди. Шу тариқа, аксарият фақат ўзига ўхшайдиганларнигина тан оладиган, фақат шуларнинг фикри, қилиғини ёқлайдиган, тутумларига тақлид қиладиган бўлди. Уни кимдир мактаса, ўзи мактасла бўлди. Мақтаганининг ошиғи олчи, макталганининг эса, кири юксалди. Гўё ўтда ёнмас, сувда чўкмас, ўлмас Кашшейга айланди, ўз назаридан... Балки маддоҳлик қилаётган одамнинг яширин қиёфаси айна дамда

нима етсин! Гоҳида нималарни ёзар эканлар, деб кузатаман. Минг афсуски, баъзилари сурат чизиб ўтирганини ҳам кўрдим. Юртбошимиз жон куйдириб, элнинг ғамида қайгурмоқда, қиёфасизлар-чи?..

Шундай қилиб, ижтимоий тармоқларда кўзларимизни бир-биримиздан яшириб, иғволар, миш-мишлар уяси бўлмиш уяли телефонлар орқали бемалол ёлгон ва тўхматлар, дўқ-пўписалар қилавердик. Сегви изхорлари осонлашди, меҳрлар сохталашди. Чунки телефонда кўзларимиз кўринмайди, ёнмайди. Юзларимиз қизармайди, лабларимиз титрамайди. Шунданми, гаплари бошқа, қилишлари бошқа, ёзмишлари бошқа, тутимлари ўзгача бўлганлар кўпаймоқда.

Ҳадиси шарифда “Ноҳақликни кўрсангиз, қўлингиз билан қайтаринг, унга қўрбингиз етмаса, тилингиз билан, агар унга ҳам ночор бўлсангиз, дилингизда нори-зо бўлиб туринг”, дейилган экан. Қани, Аллоҳга лаббайкамиз?! Тил ва дилнинг бирлиги бўлмас экан, ёлгонлар урчиыверади. Хиёнат ва мунофиқлик ғалаба қилаверади. Оилапар пароканда бўлаверади, мушфиқлар, мунглилар кўпаяверади. Ўзининг фикри йўқ, фақат бировнинг гапларини айтиб юрадиган тўтинамо сайроқилар пайдо бўлаверади...

“Инсон” сўзи “унутувчи” деган маънони англатар экан. Эй, Инсон! Ўйла, тафаккур қил! Ахир, махлуқотлар ичра фақат сенгагина тафаккур қилмоқ бахти берилган-ку! Икки соатлик тафаккур – етмиш кунлик ибодат билан тенг, деган машойихлар. Гуноҳларнинг энг олийларидан бири мунофиқлик, яъни ҚИЁФАСИЗЛИК экан! Қиёфасизлик мақомингдан кеч, аслингга қайт! Зеро, Мавлоно Румий “Аслинг каби кўрин ёки кўринганинг каби бўл!” деб бежиз фарёд чекамганлар!

Булар менинг фикрларим – тафаккурим нидоси.

Фарида АФРЎЗ

Jadid

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари:
Хумоюн Акбаров

Навбатчи муҳаррир:
Муяссар Иброҳимова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят
нуқтаи назаридан
фарқланиши мумкин.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5870
Лотин ёзувидаги адади – 11905
Буюртма: Г – 339

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgaz@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 23:00
Сотувда нархи эркин.

